

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

7-сон  
(975)  
2021 йил  
февраль

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

66. «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 февралдаги ЎРҚ–674-сон Қонуни
67. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

68. «2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ худудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ–4995-сон қарори
69. «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-

шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарори

70. «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарори [Кўчирма]

### *Бешинчи бўлим*

71. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 11 январдаги 28/22-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-7*)
72. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 5, 07-2021/к/к-сон «Бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1310-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 66 Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 5 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади халқаро тижорат арбитражларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонунчилик

Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Ушбу Қонуннинг халқаро мансублиги ва асосий принциплари

Ушбу Қонун нормаларини шарҳлашда унинг халқаро мансублигини ҳамда унинг қўлланилишида бир хилликка эришишга ва ҳалолликка риоя этилишига кўмаклашиш заруратини ҳисобга олиш лозим.

Ушбу Қонунни тартибга солиш предметига тааллуқли бўлган ва унда тўғридан-тўғри ҳал этилмаган масалалар ушбу Қонун асосланган умумий принципларга мувофиқ ҳал этилиши лозим.

##### 4-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат (давлатлар) ўртасида амалда бўлган келишувларга риоя этган ҳолда халқаро тижорат арбитражига нисбатан қўлланилади.

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 февралда эълон қилинган.

Халқаро тижорат арбитражга тарафларнинг келишувига биноан тижорат хусусиятига эга бўлган ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари барча муносабатлардан юзага келадиган низолар берилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг қоидалари, бундан 13, 14, 30, 31, 32, 51 ва 52-моддалар мустасно, фақат арбитраж жойи Ўзбекистон Республикасида жойлашган ҳолдагина қўлланилади.

Агар:

1) арбитраж келишуви тарафларининг тижорат корхоналари уни тузиш пайтида турли давлатларда жойлашган бўлса; ёки

2) қуйидаги жойлардан бири тарафлар ўз тижорат корхоналарига эга бўлган давлатдан ташқарида жойлашган бўлса:

а) арбитраж жойи, агар у арбитраж келишувида ёки унга мувофиқ белгиланган бўлса;

б) тижорат муносабатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг катта қисми ижро этилиши керак бўлган ҳар қандай жой ёки низо предмети билан кўпроқ чамбарчас боғлиқ бўлган жой; ёки

3) тарафлар арбитраж келишувининг предмети биттадан кўпроқ мамлакат билан боғлиқ эканлиги тўғрисида тўғридан-тўғри келишиб олган бўлса, арбитраж халқаро деб ҳисобланади.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг мақсадлари учун, агар тараф:

1) биттадан ортик тижорат корхонасига эга бўлса, арбитраж келишуви билан кўпроқ чамбарчас алоқага эга бўлгани тижорат корхонаси ҳисобланади;

2) тижорат корхонасига эга бўлмаса, унинг одатдаги жойлашган ери (яшаш жойи) эътиборга олинади.

Ушбу Қонун муайян низоларни арбитражга топшириш мумкин эмаслиги ёки бу низоларни арбитражга фақат ушбу Қонуннинг қоидалари ҳисобланмайдиган қоидаларга мувофиқ топшириш мумкинлиги белгиланган ҳар қандай бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунининг амал қилишига таъсир қилмайди.

### **5-модда. Асосий тушунчалар ва шарҳлаш қоидалари**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**арбитраж** — доимий арбитраж муассасаси ёки муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этиладиган арбитраж суди томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, низони ҳал этиш тартиб-таомили;

**арбитраж муассасаси** — халқаро тижорат арбитражини бошқарадиган ташкилот;

**арбитр** — тарафлар томонидан низони арбитражда ҳал қилиш учун келишилган тартибда тайинланган жисмоний шахс;

**арбитраж суди** — якка тартибдаги арбитраж ёки арбитражлар ҳайъати;

**суд** — Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг тегишли суди.

Агар ушбу Қонуннинг бирор-бир қоидаси муайян масала юзасидан қарор қабул қилиш имкониятини тарафларга берса, тарафлар бундай қарор-

ни қабул қилишни бирор-бир учинчи шахсга, шу жумладан муассасасига топшириши мумкин, бундан 44-модда мустасно.

Агар ушбу Қонуннинг бирор-бир қоидасида тарафларнинг шартлашиб олганлигига ёки шартлашиб олиши мумкинлигига доир ҳавола ёхуд тарафлар келишувига доир ҳар қандай бошқа ҳавола мавжуд бўлса, бундай келишув унда кўрсатилган ҳар қандай арбитраж қоидаларини ўз ичига олади.

Агар ушбу Қонуннинг бирор-бир қоидасида, бундан 41-модда биринчи қисмининг 1-банди ва 48-модда иккинчи қисмининг 1-банди мустасно, даъвога оид ҳавола мавжуд бўлса, бу қоида қарши даъвога нисбатан ҳам қўлланилади, агар қоидада эътирозга ҳавола мавжуд бўлса, ушбу қоида қарши даъвога доир эътирозга нисбатан ҳам қўлланилади.

### **6-модда. Арбитрларнинг ва арбитраж муҳокамаси бошқа иш-тирокчиларининг иммунитети**

Арбитрлар, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасаси ва унинг ходимлари арбитраж муҳокамасига тааллуқли ҳар қандай ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун, агар бундай ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик қасддан содир этилганлиги исботланмаса, тарафлар ёки бошқа шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган шахслар арбитраж муҳокамасига тааллуқли ҳар қандай масала бўйича бирор-бир тушунтиришларни беришга мажбур эмас ёки арбитраж муҳокамаси натижасида келиб чиққан суд ёки бошқа жараёнда гувоҳ сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

### **7-модда. Арбитраж судининг мустақиллиги**

Арбитраж судлари ўз фаолиятида ҳеч кимга бўйсунмайди ва мустақилдир. Арбитраж судларининг фаолиятига бирор-бир аралашувга, худди шунингдек, унга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди ҳамда бу Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

### **8-модда. Суд аралашувининг чегаралари**

Арбитраж судининг фаолиятига ҳеч қандай суд аралашувига, мазкур Қонунда бундай аралашув белгиланган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

### **9-модда. Суднинг ваколати**

Ушбу Қонун 16-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 18-моддасининг учинчи қисмида, 19-моддасида, 21-моддасининг учинчи қисмида ва 50-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган функциялар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судлари томонидан бажарилади.

### **10-модда. Ёзма хабарларни олиш**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса:

1) ҳар қандай ёзма хабар, агар у олувчига шахсан топширилган ёки унинг тижорат ташкилоти одатдаги жойлашган ери (яшаш жойи) ёки поч-

та манзили бўйича етказилган бўлса, олинган деб ҳисобланади; агар буларни оқилона суриштириб маълумотлар тўплаш йўли билан аниқлаш мумкин бўлмаса, ёзма хабар олувчига буюртма хат билан ёки ушбу хабарни етказишга бўлган уринишни қайд этишни назарда тутадиган ҳар қандай бошқа тарзда унинг маълум бўлган охири тижорат корхонасининг одатдаги жойлашган ерига (яшаш жойига) ёки почта манзилига юборилган бўлса, ёзма хабар олинган деб ҳисобланади;

2) хабар у етказиб берилган кунда олинган деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг қондаси суд муҳокамаси жараёнидаги хабарларга нисбатан қўлланилмайди.

### **11-модда. Эътироз билдириш ҳуқуқидан воз кечиш**

Агар тараф ушбу Қонуннинг тарафлар воз кечиши мумкин бўлган бирор-бир қондасига ёки арбитраж келишувида назарда тутилган бирор-бир талабга риоя этилмаганлигини билган ва шунга қарамай асоссиз кечикишсиз бундай риоя этмасликка қарши эътирозлар билдирмасдан арбитраж муҳокамасида иштирок этишни давом эттирган ёки агар ушбу мақсад учун бирор-бир муддат назарда тутилган бўлса, бундай муддат ўтгач, ўзининг эътироз билдиришга бўлган ҳуқуқидан воз кечган ҳисобланади.

## **2-боб. Арбитраж келишуви**

### **12-модда. Арбитраж келишувининг таърифи ва шакли**

Тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгалигидан ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишуви арбитраж келишуви ҳисобланади. Арбитраж келишуви шартноманинг арбитраж шарти ёки алоҳида келишув тарзида тузилиши мумкин.

Арбитраж келишуви ёзма шаклда тузилади.

Агар арбитраж келишувининг мазмуни арбитраж келишуви ёки шартнома оғзаки шаклда тузилганлигидан ёки тузилмаганлигидан қатъи назар, тарафларнинг ҳаракати асосида ёхуд бошқа воситалар ёрдамида бирор-бир шаклда қайд этилган бўлса, ушбу келишув ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Арбитраж келишувини ёзма шаклда тузиш тўғрисидаги талаб электрон хабар орқали, агар ундаги ахборот келгусида ундан фойдаланиш учун очик бўлса, қаноатлантирилади.

Электрон хабар тарафлар маълумотларни юбориш орқали узатадиган ҳар қандай хабарни англатса; маълумотлардан хабардор қилиш электрон, магнит, оптик ёки худди шундай воситалар, шу жумладан электрон маълумотлар алмашиш, электрон почта, телеграмма, телекс ва телефакс ёрдамида, бироқ улар билан чекланмаган ҳолда тайёрланган, юборилган, қабул қилиб олинган ёки сақланаётган ахборотни англатади.

Бундан ташқари, арбитраж келишуви даъво аризасини алмашиш ва

даъвога доир фикр билдириш орқали тузилиб, уларда тарафлардан бири келишув мавжудлигини тасдиқлаётган, бошқаси эса бунга қарши эътироз билдирмаётган бўлса, ушбу келишув ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Шартномадаги арбитраж шартини ўз ичига олган бирор-бир ҳужжатга ҳавола, башарти ушбу ҳавола айтиб ўтилган шартни шартноманинг бир қисмига айлантирса, арбитраж келишуви ҳисобланади.

### **13-модда. Арбитраж келишуви ва низонинг мазмуни бўйича судга даъво тақдим этиш**

Арбитраж келишувининг предмети бўлган масала юзасидан ўзига даъво тақдим этилган суд, агар тарафлардан исталган бири низонинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасини тақдим этишидан олдин бу ҳақда сўраган бўлса, агар мазкур келишувнинг ҳақиқий эмаслигини, ўз кучини йўқотганлигини ёки бажарилиши мумкин эмаслигини аниқламаган бўлса, тарафларни арбитражга юбориши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даъво тақдим этилган тақдирда, масала суднинг кўриб чиқишида турган бўлишига қарамай, арбитраж муҳокамаси бошланиши ёки давом эттирилиши ҳамда арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилиниши мумкин.

### **14-модда. Арбитраж келишуви ва суднинг таъминлаш чоралари**

Тарафнинг таъминлаш чораларини кўриш ҳақида арбитраж муҳокамасидан олдин ёки арбитраж муҳокамаси вақтида ариза билан судга мурожаат қилганлиги ва суд томонидан бундай чораларни кўриш тўғрисида ажрим чиқарилганлиги арбитраж келишувига зид бўлмайди.

## **3-боб. Арбитраж судининг таркиби ва юрисдикцияси**

### **15-модда. Арбитрлар сони**

Тарафлар ўз хоҳишига кўра арбитрлар сонини белгилаши мумкин. Бундай келишув бўлмаганда уч нафар арбитр тайинланади.

### **16-модда. Арбитрларни тайинлаш**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, ҳеч бир шахс ўзининг фуқаролиги сабабли арбитр сифатида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Башарти тарафлар ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидаларига риоя этса, арбитрни ёки арбитрларни тайинлаш тартиб-таомилини ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин.

Бундай келишув мавжуд бўлмаса:

1) уч нафар арбитрли арбитражда ҳар бир тараф биттадан арбитрни тайинлайди ва шу тариқа тайинланган икки нафар арбитр учинчи арбитрни тайинлайди; агар бир тараф бошқа тарафнинг бу ҳақдаги илтимоси олингач ўттиз кун ичида арбитрни тайинламаса ёки икки арбитр ўзи тайинлан-

ган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида учинчи арбитрни танлаш тўғрисида келиша олмаса, арбитр исталган тарафнинг илтимосига биноан суд томонидан тайинланади;

2) якка тартибдаги арбитрлик арбитражида, агар тарафлар арбитрни танлаш тўғрисида келиша олмаса, арбитр тарафлардан исталган бирининг илтимосига биноан суд томонидан тайинланади.

Агар тарафлар томонидан келишилган тайинлаш тартиб-таомилида:

1) тарафлардан бири бундай тартиб-таомилга риоя этмаса; ёки

2) тарафлар ёки икки арбитр бундай тартиб-таомилга мувофиқ келишувга эриша олмаса; ёки

3) учинчи шахс, шу жумладан муассаса шундай тартиб-таомилга мувофиқ ўз зиммасига юклатилган бирор-бир вазифани бажармаса, агар тайинлаш тартиб-таомили тўғрисидаги келишувда тайинлашни таъминлашнинг бошқача усуллари назарда тутилмаган бўлса, исталган тараф суддан зарур чоралар кўрилишини сўраши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи ёки тўртинчи қисмларига мувофиқ суд томонидан чиқариладиган қарор устидан шикоят қилинмайди.

Арбитрни тайинлашда суд тарафларнинг келишувига мувофиқ арбитрга қўйиладиган ҳар қандай талабни ҳамда мустақил ва холис арбитрни тайинлашни таъминлаши мумкин бўлган фикрларни лозим даражада инобатга олади, якка тартибдаги арбитр ёки учинчи арбитр тайинланган тақдирда эса фуқаролиги тарафларнинг фуқаролигидан бошқа фуқароликка эга бўлган арбитрни тайинлаш мақбул эканлигини ҳам эътиборга олади.

### **17-модда. Рад этиш учун асослар**

Бирор-бир шахсга унинг арбитр сифатида тайинланиши мумкинлиги муносабати билан мурожаат қилинган тақдирда, ушбу шахс ўзининг холислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида маълум қилиши керак. Арбитр ўзи тайинланган пайтдан эътиборан ва бутун арбитраж муҳокамаси давомида тарафларга ҳар қандай шундай ҳолатлар тўғрисида, агар у тарафларни бундай ҳолатлар тўғрисида илгари хабардор қилмаган бўлса, дарҳол маълум қилиши керак.

Арбитр фақат унинг холислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқарувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёки у тарафлар келишувда белгиланган талабларга мос келмаган тақдирда рад этилиши мумкин. Тараф ўзи тайинлаган ёки тайинланишида ўзи иштирок этган арбитрни рад этиш ҳақида фақат у тайинланганидан кейин ўзига маълум бўлиб қолган сабаблар бўйича арз қилиши мумкин.

### **18-модда. Рад этиш тартиб-таомили**

Тарафлар, башарти ушбу модда учинчи қисмининг қоидаларига риоя этилса, арбитрни рад этиш тартиб-таомили тўғрисида ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин.

Бундай келишув мавжуд бўлмаганда, арбитрни рад этмоқчи бўлган

тараф арбитраж суди таркиби шакллантирилиши ҳақида ёки ушбу Қонун 17-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳар қандай ҳолат тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолганидан кейин ўн беш кун ичида ёзма аризада арбитраж судига рад этиш сабабларини хабар қилади. Агар рад этилиши талаб қилинаётган арбитр тайинланишдан ўзи воз кечмаса ёки бошқа тараф рад этишга рози бўлмаса, рад этиш тўғрисидаги масала арбитраж суди томонидан ҳал этилади.

Агар тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай тартиб-таомил ёки ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартиб-таомил қўлланилганда рад этиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилмаса, рад этиш ҳақида ариза берган тараф рад этиш тўғрисидаги қарор хусусида билдиришнома олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида судга рад этишни қаноатлантириш ҳақида ариза бериши мумкин. Суднинг мазкур аризага тааллуқли қарори устидан шикоят қилинмайди.

Бундай ариза ҳал қилиниши кутилаётган вақтда арбитраж суди, шу жумладан ўзига нисбатан рад этилиши ҳақида ариза берилган арбитр арбитраж муҳокамасини давом эттириши ва арбитраж ҳал қилув қарорини қабул қилиши мумкин.

### **19-модда. Арбитрнинг ваколатларини тугатиш**

Арбитр юридик жиҳатдан ёки амалда ўз вазифаларини бажара олмай қолса ёхуд бошқа сабабларга кўра асоссиз кечикиш туфайли уларни амалга оширишга киришмаса, агар арбитр тайинланишни рад этса ёки тарафлар бундай тугатиш борасида келишиб олса, унинг ваколатлари тугатилади.

Ушбу асосларнинг бирор-бири борасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, исталган тараф ваколатларнинг амал қилиши тугатилиши борасида қарор чиқариш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Суднинг бундай қарори устидан шикоят қилинмайди.

Ушбу моддага ёки ушбу Қонун 18-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ арбитр тайинланишни ўзи рад этса ёки унинг ваколатлари тугатилишига тараф розилик берса, ушбу моддада ёки ушбу Қонун 17-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳар қандай асослардан бирининг тан олинишини англатмайди.

### **20-модда. Янги арбитрни тайинлаш**

Арбитрнинг ваколатлари ушбу Қонуннинг 18 ёки 19-моддалари асосида бекор қилинса ёхуд арбитр ҳар қандай бошқа сабабга кўра тайинланишни ўзи рад этса ёхуд унинг ваколатлари тарафларнинг келишуви бўйича бекор қилинса, шунингдек, арбитр ваколатлари тугатилган ҳар қандай бошқа ҳолатда, янги арбитр алмаштирилаётган арбитрни тайинлашга қўлланиладиган қоидаларга мувофиқ тайинланади.

### **21-модда. Арбитраж судининг ўз юрисдикцияси тўғрисида қарор чиқаришга доир ваколатлари**

Арбитраж суди ўз юрисдикцияси тўғрисида, шу жумладан арбитраж

келишувининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлиги борасидаги ҳар қандай эътироз бўйича ўзи қарор чиқариши мумкин. Ушбу мақсад учун шартноманинг таркибий қисми бўлган арбитраж шarti шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган келишув сифатида талқин қилинади. Арбитраж суди томонидан шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида қарор чиқарилиши арбитраж шартининг қонунга кўра ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Арбитраж судининг юрисдикцияси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ариза даъво бўйича эътирозлар тақдим этилишидан олдинроқ берилиши мумкин. Тараф томонидан арбитражнинг тайинлини ёки арбитражнинг тайинлашда унинг иштирок этиши тарафни бундай арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Арбитраж суди ўз ваколати доирасидан четга чиқаётганлиги тўғрисида арз қилиш тарафнинг фикрича ушбу доирадан четга чиқилаётган масала арбитраж муҳокамаси жараёнида қўйилиши биланоқ амалга оширилиши керак. Арбитраж суди кечикиб берилган аризани ҳар қандай шундай ҳолларда, агар у кечикишни узрли деб ҳисобласа, қабул қилиши мумкин.

Арбитраж суди ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ариза бўйича қарорни дастлабки хусусиятга эга бўлган масала юзасидан ёки низони мазмунан ҳал қилиш чоғида чиқариши мумкин. Агар арбитраж суди дастлабки хусусиятга эга бўлган масала юзасидан ўзи юрисдикцияга эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилса, исталган тараф ушбу қарор тўғрисида билдиришнома олингандан кейин ўттиз кун ичида суддан мазкур масала бўйича қарор чиқарилишини илтимос қилиши мумкин ва бундай қарор устидан шикоят қилиниши мумкин эмас; бундай илтимос ҳал этилаётган вақтда арбитраж суди арбитраж муҳокамасини давом эттириши ҳамда арбитражнинг ҳал қилув қарорини қабул қилиши мумкин.

#### **4-боб. Таъминлаш чоралари ва дастлабки қарорлар**

##### **22-модда. Арбитраж судининг таъминлаш чораларини белгилашга доир ваколатлари**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, бирор-бир тарафнинг илтимосига кўра арбитраж суди таъминлаш чораларини белгилаши мумкин.

Таъминлаш чораси, у арбитраж ҳал қилув қарори шаклида ёки бирор-бир бошқа шаклда белгиланганлигидан қатъи назар, ҳар қандай вақтинчалик чорадан иборат бўлиб, унинг ёрдамида низони узил-кесил ҳал қиладиган қарор қабул қилинишидан олдинги ҳар қандай пайтда арбитраж суди у ёки бу тарафнинг:

1) низо ҳал этилаётганда мавжуд бўлган ҳолатни ёки низо ҳал этилгунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни сақлаб туриши ёки тиклаши;

2) ҳозирги ёки муқаррар зарарнинг ёки арбитражнинг ўзига етадиган зарарнинг олдини олиш мақсадида чоралар кўриши ёки бундай зарар етказиши мумкин бўлган чораларни кўришдан тийилиши;

3) активларни сақлаш учун маблағларни арбитражнинг кейинчалик қабул қилинадиган ҳал қилув қарори бу маблағлар ҳисобидан ижро этилиши мумкин бўлиши учун бериши;

4) ишга тааллуқли бўлиши ва низони ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган далилларни сақлаши тўғрисида фармойиш беради.

### **23-модда. Таъминлаш чораларини белгилаш шартлари**

Ушбу Қонун 22-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандларига мувофиқ таъминлаш чорасини сўраётган тараф арбитраж судини:

1) агар бундай чора белгиланмаса, зарарларни ундириш орқали ҳам тегишли равишда бартараф этиб бўлмайдиган зарар етказилиши мумкинлигига ва, агар шундай чора белгиланса, бундай зарар ўзига нисбатан чора белгиланаётган тарафга етказилиши мумкин бўлган зарардан сезиларли даражада ортиқ бўлишига; ва

2) сўраётган тараф талабнинг мазмуни борасида муваффақиятга эришининг оқилона имконияти мавжудлигига ишонтириши керак. Бундай имкониятга нисбатан ҳар қандай ажрим кейинги ҳар қандай ажримларни чиқаришда арбитраж судининг ихтиёри эркин бўлишига дахл қилмайди.

Ушбу Қонун 22-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига мувофиқ таъминлаш чораларини белгилаш тўғрисидаги илтимосга нисбатан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган талаблар фақат арбитраж суди буни ўринли деб ҳисоблаган даражада қўлланилади.

### **24-модда. Дастлабки қарорларни чиқариш тўғрисидаги ариза ва дастлабки қарорларни чиқариш шартлари**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, тараф таъминлаш чорасини белгилаш тўғрисидаги илтимосни сўралаётган таъминлаш чорасининг мақсадларига зарар етказмаслик мажбуриятини бирор-бир тарафнинг зиммасига юклатувчи дастлабки қарорни чиқариш ҳақидаги ариза билан бирга, ҳар қандай бошқа тарафни хабардор қилмаган ҳолда тақдим этиши мумкин.

Агар арбитраж суди таъминлаш чорасини белгилаш тўғрисидаги илтимос бўйича ахборотни ушбу чора қайси тарафга нисбатан белгиланаётган бўлса, ўша тарафга олдиндан ошкор этиш бундай чоранинг мақсадларига зарар етказиши мумкин деб ҳисобласа, дастлабки қарорни чиқариши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ белгиланган шартлар, башарти ушбу Қонун 23-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ баҳоланиши керак бўлган зарар қарор чиқарилиши ёки чиқарилмаслиги натижасида етказилиши мумкин бўлган зарардан иборат бўлса, ҳар қандай дастлабки қарорга нисбатан қўлланилади.

### **25-модда. Дастлабки қарорларнинг алоҳида режими**

Арбитраж суди дастлабки қарорни чиқариш тўғрисидаги аризага нисбатан ажрим чиқарганидан сўнг арбитраж суди барча тарафларни таъминлаш чораларини белгилаш ҳақидаги илтимос, дастлабки қарорни чиқариш тўғрисидаги ариза, агар қабул қилинган бўлса, дастлабки қарор ва бошқа

барча хабарлар алмашинувлари ҳақида дарҳол хабардор қилади, шу жумладан исталган тараф ва арбитраж суди ўртасидаги юқорида санаб ўтилганларга тааллуқли бўлган ҳар қандай оғзаки хабарларнинг мазмунини кўрсатиш йўли билан хабардор қилади.

Бир вақтнинг ўзида арбитраж суди ўзига нисбатан дастлабки қарор чиқарилаётган исталган тарафга ўз фикрини имкон қадар қисқа муддатларда баён қилиш имконини беради.

Арбитраж суди дастлабки қарор чиқарилишига қарши ҳар қандай эътироз бўйича дарҳол ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Дастлабки қарорнинг амал қилиш муддати у арбитраж суди томонидан чиқарилган санадан бошлаб йигирма кун ўтгач тугайди. Айни вақтда арбитраж суди дастлабки қарорнинг қўлланилишини ёки ўзгартирилишини таъминловчи чорани ўзига нисбатан дастлабки қарор қабул қилинаётган тарафни хабардор қилганидан ва унга ўз нуқтаи назарини баён этиш имкониятини берганидан сўнг белгилаши мумкин.

Дастлабки қарор тарафлар учун мажбурий кучга эга, бироқ у суд тартибида ижро этилмайди. Бундай дастлабки қарор арбитражнинг ҳал қилув қарори ҳисобланмайди.

#### **26-модда. Таъминлаш чораларини ўзгартириш, тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш**

Арбитраж суди ўзи белгилаган таъминлаш чорасини ёки ўзи чиқарган дастлабки қарорни исталган тарафнинг аризасига биноан ёки алоҳида ҳолатларда ва тарафларни олдиндан хабардор қилганидан сўнг арбитраж судининг ўз ташаббусига кўра ўзгартириши, тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши мумкин.

#### **27-модда. Таъминотни тақдим этиш**

Арбитраж суди таъминлаш чорасини сўраётган тарафдан ушбу чора муносабати билан лозим бўлган таъминот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

Арбитраж суди дастлабки қарорни чиқариш тўғрисида илтимос қилаётган тарафдан ушбу қарор муносабати билан таъминот тақдим этилишини талаб қилишга, агар арбитраж суди буни ўринли ёки зарур деб ҳисобласа, ҳақли бўлади.

#### **28-модда. Ахборотни ошкор этиш**

Арбитраж суди исталган тарафдан чора сўраш ёки белгилаш учун асос бўлган ҳолатларнинг ҳар қандай жиддий ўзгариши тўғрисидаги ахборотни дарҳол ошкор этишни талаб қилиши мумкин.

Дастлабки қарор чиқарилиши тўғрисида илтимос қилаётган тараф арбитраж суди томонидан ушбу қарорни чиқариш ёки уни ўз кучида қолдириш ҳақидаги ажримни қабул қилишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ҳақидаги ахборотни арбитраж судига ошкор этади ва бу мажбурият қарор чиқарилиши сўралаётган тарафга илтимос қилаётган то-

моннинг ахборотида келтирилган ҳолатлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиш имконияти берилмагунига қадар сақланиб қолади. Кейинчалик ушбу модданинг биринчи қисми қўлланилади.

### **29-модда. Чиқимлар ва зарарлар**

Таъминлаш чорасини сўраётган ёки дастлабки қарор чиқарилиши тўғрисида илтимос қилаётган тараф ушбу чора ёки ушбу қарор билан ҳар қандай тарафга етказилган ҳар қандай чиқим ва зарар учун, агар кейинчалик арбитраж суди мазкур ҳолатларда ушбу чора белгиланмаслиги ёки ушбу қарор чиқарилмаслиги кераклигини аниқласа, жавобгар бўлади. Арбитраж суди муҳокаманинг исталган пайтида бундай чиқимлар ва зарарларнинг ўрни коплианишини белгилаб бериши мумкин.

### **30-модда. Таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш**

Арбитраж суди томонидан белгиланган таъминлаш чораси мажбурий кучга эга деб тан олинади ва, агар арбитраж суди томонидан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг 31-моддаси қоидаларига риоя этилган тақдирда, арбитраж жойидан қатъи назар, судга мурожаат этиш орқали ижрога қаратилади.

Таъминлаш чорасини тан олишни ёки бажаришни сўраётган ёхуд илтимосномаси қаноатлантирилган тараф ушбу таъминлаш чорасининг ҳар қандай бекор қилиниши, тўхтатиб турилиши ёки ўзгартирилиши тўғрисида дарҳол судга хабар қилади.

Агар суд лозим деб топса, сўраётган тараф томонидан тегишли таъминот тақдим этилиши тўғрисида, агар арбитраж суди бунгача таъминот тақдим этиш борасида ажрим чиқармаган бўлса ёки бундай қарор учинчи тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, фармойиш бериши мумкин.

### **31-модда. Таъминлаш чорасини тан олишни ёки ижрога қаратишни рад қилиш учун асослар**

Таъминлаш чорасини тан олиш ёки ижрога қаратиш фақат қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

1) таъминлаш чораси ўзига қарши қаратилган тарафнинг илтимоси бўйича, агар суд:

бундай рад этиш ушбу Қонун 52-моддаси биринчи қисми 1-бандининг учинчи — олтинчи хатбошиларида келтирилган асослар билан оқланишини; ёки

арбитраж суди томонидан белгиланган таъминлаш чораси муносабати билан таъминот тақдим этишга тааллуқли бўлган арбитраж суди қарорининг бажарилмаганлигини; ёки

таъминлаш чораси арбитраж суди томонидан ёки, агар бунга тегишли ваколати мавжуд бўлса, арбитраж ўтказилаётган давлатнинг суди томонидан ёки ушбу таъминлаш чораси қайси қонунчиликка мувофиқ тайинлан-

ган бўлса, ўша қонунчиликка мувофиқ бекор қилинганлигини ёки тўхта-тиб турилганлигини аниқласа; ёки

2) агар суд:

таъминлаш чораси судга берилган ваколатларга мувофиқ эмаслигини аниқласа, агар фақат суд таъминлаш чорасининг таърифини ушбу таъминлаш чорасининг мазмунини ўзгартирмай ижро этиш мақсадида унинг ўз ваколатлари ва тартиб-таомилларига мувофиқ ҳолга келтириш учун зарур бўлган даражада ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилмаса; ёки

ушбу Қонун 52-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида баён этилган ҳар қандай асослар таъминлаш чорасининг тан олинишига ва ижрога қаратилишига тааллуқли эканлигини аниқласа.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳар қандай асослар бўйича суд томонидан чиқарилган ҳар қандай ажрим таъминлаш чорасини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимос қилиш мақсадлари учунгина кучга эга бўлади.

Ўзидан таъминлаш чорасини тан олиш ёки ижрога қаратиш сўралаётган суд бу ажримни чиқаришда таъминлаш чорасининг мазмунини кўриб чиқишни амалга оширмайди.

### **32-модда. Суднинг таъминлаш чораларини белгилаш ваколатлари**

Суд Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунчилигига мувофиқ ва халқаро арбитражнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда арбитраж жойидан қатъи назар арбитраж муҳокамаси муносабати билан таъминлаш чораларини белгилаш ваколатига эга.

### **5-боб. Арбитраж муҳокамасини юритиш**

#### **33-модда. Тарафларга нисбатан тенг муносабат**

Тарафларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш таъминланади ва ҳар бир тарафга ўз нуктаи назарини баён этиш учун оқилона имкониятлар берилиши керак.

#### **34-модда. Тартиб-таомил қоидаларини аниқлаш**

Тарафлар, ушбу Қонун қоидаларига риоя этиш шарти билан, арбитраж суди томонидан муҳокаманинг юритилиши тартиб-таомили тўғрисида ўз хошишига кўра келишиб олиши мумкин.

Бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда, арбитраж суди ушбу Қонун қоидаларига риоя этган ҳолда арбитраж муҳокамасини ўзи лозим деб ҳисоблаган тарзда юритиши мумкин. Арбитраж судига берилган ваколатлар ҳар қандай далилнинг мақбуллигини, алоқадорлигини, муҳимлигини ва аҳамият-лилигини аниқлашга доир ваколатларни ўз ичига олади.

#### **35-модда. Арбитраж жойи**

Тарафлар арбитраж жойи тўғрисида ўз хошишига кўра келишиб оли-

ши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда, арбитраж жойи арбитраж суди томонидан иш ҳолатларини, шу жумладан тарафлар учун қулайлик омилини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларига қарамай, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж суди ўз аъзолари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш, гувоҳларни, экспертларни ёки тарафларни эшитиш ёхуд товарларни, бошқа мол-мулкни ёки ҳужжатларни кўздан кечириш учун лозим деб топган ҳар қандай жойда йиғилиши мумкин.

### **36-модда. Арбитраж муҳокамасининг тили**

Тарафлар арбитраж муҳокамасида фойдаланиладиган тил ёки тиллар тўғрисида ўз хоҳишларига кўра келишиб олиши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлмаганда, муҳокамада қўлланилиши керак бўлган тилни ёки тилларни арбитраж суди белгилайди. Бундай келишув ёки ажрим, агар уларда бошқача шартлашилмаган бўлса, тарафнинг ҳар қандай ёзма аризасига, ишнинг ҳар қандай эшитилишига ва ҳар қандай арбитраж қарорига, арбитраж судининг қарорига ёки бошқа хабарига ҳам тааллуқли бўлади.

Арбитраж суди ҳар қандай ҳужжатли далилларга уларнинг тарафлар келишиб олган ёки арбитраж суди томонидан белгиланган тилдаги ёки тиллардаги таржимаси илова қилиниши тўғрисида фармойиш бериши мумкин.

### **37-модда. Арбитраж муҳокамасининг бошланиши**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, муайян низога тааллуқли арбитраж муҳокамаси ушбу низони арбитражга топшириш тўғрисидаги илтимос жавобгар томонидан олинган кунда бошланади.

### **38-модда. Арбитраж муҳокамасидаги вакиллик**

Тарафлар ўз ишларини арбитраж муҳокамасида тўғридан-тўғри ёки тарафлар хоҳишига кўра, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва фуқаролар орасидан тайинладиган ваколатли вакиллари орқали олиб боришлари мумкин.

### **39-модда. Даъво аризаси ва даъво бўйича эътирозлар**

Тарафлар томонидан келишилган ёки арбитраж суди томонидан белгиланган муддат мобайнида даъвогар ўзининг даъво талабини асословчи ҳолатлар ҳақида, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ва ўз даъво талабларининг мазмуни тўғрисида арз қилиши керак, жавобгар эса, агар тарафлар бундай аризаларнинг зарур қисмлари борасида бошқача шартлашмаган бўлса, ушбу масалалар бўйича ўз эътирозларини билдириши керак.

Тарафлар ўз аризалари билан бирга ўзи ишга тааллуқли деб ҳисоблайдиган барча ҳужжатларни тақдим этиши ёки ўзи кейинчалик тақдим этадиган ҳужжатларга ёки бошқа далилларга ҳавола қилиши мумкин.

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж муҳокамаси жараёнида исталган тараф низонинг моҳияти бўйича ўзининг даъво талаб-

ларини ёки даъво бўйича эътирозларини, агар фақат арбитраж суди арбитраж муҳокамасини кечиктириш номақбуллигини инобатга олган ҳолда мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобламаса, ўзгартириши ёки тўлдириши мумкин.

#### **40-модда. Эшитув ва ёзма муҳокама**

Тарафларнинг ҳар қандай бошқа келишувига риоя этган ҳолда арбитраж суди далилларни тақдим этиш учун оғзаки эшитув ёки оғзаки музокара-ларар ўтказиш ҳақида ёхуд муҳокамани фақат ҳужжатлар ва бошқа материаллар асосида амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бироқ, агар тарафлар оғзаки эшитувни ўтказмаслик тўғрисида келишиб олмаган бўлса, арбитраж суди исталган тарафнинг илтимосига кўра, бундай оғзаки эшитувни муҳокаманинг тегишли босқичида ўтказиши керак.

Товарларни, бошқа мол-мулкни ёки ҳужжатларни кўздан кечириш мақсадида ўтказиладиган арбитраж судининг ҳар қандай эшитувни ва мажлиси тўғрисидаги билдиришнома тарафларга олдиндан юборилган бўлиши керак.

Тарафларнинг бири томонидан арбитраж судига тақдим этиладиган барча аризалар, ҳужжатлар ёки бошқа ахборот ўзга тарафнинг эътиборига етказилиши керак. Экспертларнинг ҳар қандай хулосалари ёки арбитраж суди ўз қарорини қабул қилишда асосланиши мумкин бўлган далиллар ҳисобланувчи бошқа ҳужжатлар ҳам тарафларга топширилиши керак.

#### **41-модда. Ҳужжатларни тақдим этмаслик ёки тарафларнинг келмаслиги**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, узрли сабаб кўрсатилмаган ҳолда:

1) даъвогар ушбу Қонун 39-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ўзининг даъво аризасини тақдим этмаган тақдирда, арбитраж суди муҳокамани тугатади;

2) жавобгар ушбу Қонун 39-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ даъво бўйича ўз эътирозларини тақдим этмаган тақдирда, арбитраж суди эътирозлар тақдим этилмаганлиги фактига даъвогар фикрларининг тан олиниши сифатида қарамай, муҳокамани давом эттиради;

3) исталган тараф эшитувга келмаганда ёки ҳужжатли далилларни тақдим этмаганда, арбитраж суди муҳокамани давом эттириши ва ўзида мавжуд бўлган далиллар асосида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

#### **42-модда. Арбитраж суди томонидан тайинланган эксперт**

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж суди:

1) арбитраж суди томонидан белгиланадиган аниқ масалалар бўйича ўзига хулоса тақдим этилиши учун бир ёки бир неча экспертни тайинлаши мумкин;

2) тарафдан экспертга ишга тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этишни ёки ишга тааллуқли ҳар қандай ҳужжатларни, товарларни ёки бошқа мол-мулкни кўздан кечириш учун беришни ёхуд кўздан кечириш имкониятини яратишни талаб қилиши мумкин.

Тарафларнинг бошқача шартлашуви мавжуд бўлмаган тақдирда, эксперт, агар тараф илтимос қилса ёки арбитраж суди зарур деб ҳисобласа, ўзининг ёзма ёки оғзаки хулосаси тақдим этилганидан кейин тарафларга унга саволлар бериш ва низоли масалалар бўйича кўрсатувлар бериш учун гувоҳ-экспертларни таништириш имконияти бериладиган эшитувда иштирок этиши керак.

#### **43-модда. Далилларни олишга суднинг кўмаклашиши**

Арбитраж суди ёки тараф арбитраж судининг розилиги билан далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат қилиши мумкин.

Суд бундай аризани ўз ваколати доирасида ва Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ қаноатлантириши мумкин.

### **6-боб. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш ва муҳокамани тугатиш**

#### **44-модда. Низонинг мазмунига нисбатан қўлланиладиган нормалар**

Арбитраж суди низони тарафлар низонинг мазмунига нисбатан қўлланилиши учун танлаган ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал этади.

Агар бошқача қоида кўрсатилмаган бўлса, бирор-бир давлатнинг ҳар қандай ҳуқуқи ёки ҳуқуқ тизими кўрсатилганлиги унинг коллизия нормаларига эмас, балки ушбу давлатнинг моддий ҳуқуқига бевосита ҳавола қилувчи сифатида талқин қилиниши керак.

Тарафларнинг бирор-бир кўрсатмаси мавжуд бўлмаганда арбитраж суди ўзи қўлланилиши мумкин деб ҳисоблайдиган коллизия нормаларга мувофиқ белгиланган ҳуқуқни қўллайдди.

Арбитраж суди ҳал қилув қарорини адолатлилиқ бўйича ёки «дўстона воситачи» сифатида фақат тарафлар унга тўғридан-тўғри ваколат берган тақдирдагина қабул қилади.

Барча ҳолларда арбитраж суди ҳал қилув қарорини шартнома шартларига мувофиқ ва мазкур битимга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган савдо урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

#### **45-модда. Арбитрлар ҳайъати томонидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши**

Бир нафардан ортиқ арбитр томонидан арбитраж муҳокамасини ўтказишда, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж судининг ҳар қандай ҳал қилув қарори арбитраж суди барча аъзоларининг кўпчилиқ овози билан қабул қилинади.

Бироқ тартиб-таомил масалалари раислик қилувчи арбитр томонидан, агар у тарафлар ёки арбитраж судининг барча аъзолари томонидан бунга вакил қилинган бўлса, ҳал этилиши мумкин.

**46-модда. Келишув битими**

Агар арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафлар низони ҳал қилса, арбитраж суди муҳокамани тугатади ва тарафларнинг илтимосига кўра ва, агар арбитраж суди томонидан эътирозлар мавжуд бўлмаса, ушбу ҳал қилишни келишилган шартлар асосидаги арбитраж ҳал қилув қарори тарзида қайд этади.

Арбитражнинг келишилган шартлар асосидаги ҳал қилув қарори ушбу Қонуннинг 47-моддаси қоидаларига мувофиқ қабул қилиниши ва унда у арбитражнинг ҳал қилув қарори эканлиги кўрсатилиши керак. Бундай арбитраж ҳал қилув қарори низонинг мазмуни бўйича ҳар қандай бошқа арбитражнинг ҳал қилув қарори каби кучга эга бўлади ва амал қилади.

**47-модда. Арбитраж ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмуни**

Арбитражнинг ҳал қилув қарори ёзма шаклда қабул қилиниши ва якка тартибдаги арбитр томонидан ёки арбитрлар томонидан имзоланиши керак. Бир нафардан ортиқ арбитр томонидан ўтказиладиган арбитраж муҳокамасида, башарти ҳар қандай имзонинг мавжуд эмаслиги сабаблари кўрсатилса, арбитраж суди барча аъзоларининг кўпчилик имзолари мавжуд бўлиши етарлидир.

Арбитражнинг ҳал қилув қароридида у нималарга асосланганлигининг сабаблари кўрсатилиши керак, бундан тарафлар асослар кўрсатилиши керак эмаслигига келишиб олган ёки арбитраж ҳал қилув қарори ушбу Қонуннинг 46-моддасига мувофиқ келишилган шартлар асосидаги қарор деб ҳисобланган ҳоллар мустасно.

Арбитражнинг ҳал қилув қароридида унинг санаси ва арбитражнинг ушбу Қонун 35-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ белгиланган жойи кўрсатилиши керак. Арбитражнинг ҳал қилув қарори арбитраж жойида қабул қилинган деб ҳисобланади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ҳар бир тарафга ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ушбу қарорнинг арбитрлар томонидан имзоланган кўчирма нусхаси берилади.

**48-модда. Арбитраж муҳокамасини тугатиш**

Арбитраж муҳокамаси якуний арбитраж ҳал қилув қарорини қабул қилиш ёки ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ чиқарилган арбитраж судининг қарори билан тугатилади.

Арбитраж суди қўйидаги ҳолларда арбитраж муҳокамасини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради, агар:

- 1) даъвогар ўз даъвосини чақириб олса, агар жавобгар муҳокама тугатилишига қарши эътирозлар билдирмаса ва арбитраж суди жавобгарнинг низо узил-кесил ҳал қилинишидан қонуний манфаатдорлигини тан олмаса;
- 2) тарафлар муҳокамани тугатиш тўғрисида келишиб олса;
- 3) арбитраж суди бирор-бир бошқа сабабга кўра муҳокамани давом эттиришни зарур эмас ёки имконсиз деб топса.

Арбитраж судининг ваколатлари арбитраж муҳокамаси тугатилиши

билан бир вақтда тугайди, бундан ушбу Қонун 49-моддасининг ва 50-моддаси тўртинчи қисмининг қоидалари қўлланилишига доир ваколатлар мустасно.

**49-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини тузатиш ва шарҳлаш, арбитражнинг қўшимча ҳал қилув қарори**

Агар тарафлар бошқа муддатни келишиб олмаган бўлса, исталган тараф арбитражнинг ҳал қилув қарори олинган пайдан эътиборан ўттиз кун ичида бу ҳақда бошқа тарафни хабардор қилган ҳолда арбитраж судидан:

1) арбитражнинг ҳал қилув қарорида йўл қўйилган ҳисоб-китоблардаги, ёзувдаги ҳар қандай хато ёки ҳарфий хато ёхуд шунга ўхшаш бошқа хатоларни тузатишни;

2) тарафлар ўртасида тегишли келишув мавжуд бўлган тақдирда, арбитраж ҳал қилув қарорининг бирор-бир аниқ бандини ёки қисмини шарҳлашни илтимос қилиши мумкин.

Агар арбитраж суди бундай илтимосни асосли деб ҳисобласа, илтимос олинган пайдан эътиборан ўттиз кун ичида тегишли тузатишларни киритиши ёки шарҳ бериши керак. Бундай шарҳ арбитраж ҳал қилув қарорининг таркибий қисмига айланади.

Арбитраж суди ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳар қандай хатони арбитражнинг ҳал қилув қарори санасидан бошлаб ўттиз кун ичида ўз ташаббуси билан тузатиши мумкин.

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, исталган тараф бу ҳақда бошқа тарафни хабардор қилиб, арбитражнинг ҳал қилув қарори олинган пайдан ўттиз кун ичида арбитраж судидан арбитраж муҳокамаси давомида арз қилинган, бироқ арбитражнинг ҳал қилув қарорида акс эттирилмаган талабларга нисбатан қўшимча ҳал қилув қарорини чиқаришни илтимос қилиши мумкин. Арбитраж суди, агар илтимосни ўринли деб ҳисобласа, олти кун ичида қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариши керак.

Зарур бўлган тақдирда, арбитраж суди хатоларни тузатиш, шарҳ бериш ёки қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш керак бўлган муддатни тарафларнинг илтимосига кўра, ушбу модданинг биринчи ёки тўртинчи қисмларига мувофиқ узайтириши мумкин.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини тузатишга ва шарҳлашга ёхуд қўшимча ҳал қилув қарорига нисбатан ушбу Қонун 47-моддасининг қоидалари қўлланилади.

**7-боб. Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш**

**50-модда. Бекор қилиш тўғрисидаги ариза арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилишнинг ягона воситаси сифатида**

Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан судга шикоят қилиш фақат

ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ уни бекор қилиш тўғрисида ариза бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори суд томонидан қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин, агар:

1) бекор қилиш тўғрисида ариза бераётган тараф қуйидагиларнинг далилини тақдим этса:

ушбу Қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган арбитраж келишувининг тарафларидан бири қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз эканлиги далилини; ёки ушбу келишувнинг тарафлар уни қайси қонунчиликка бўйсундирган бўлса, ўша қонунчилик бўйича, бундай қонунчилик мавжуд бўлмаганда эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳақиқий эмаслиги далилини; ёки

тараф арбитр тайинланганлиги ҳақида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги далилини ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазларини тақдим эта олмаганлиги далилини; ёки

арбитражнинг ҳал қилув қарори арбитражда ҳал қилиниши назарда тутилмаган ёки арбитражга мурожаат қилиш шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича қабул қилинганлиги далилини ёхуд унда арбитраж келишувини қўллаш доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича қарор мавжудлиги далилини. Бунда агар арбитражда кўрилиши лозим бўлган масалалар бўйича қарорни арбитражга тегишли бўлмаган масалалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда арбитраж ҳал қилув қарорининг арбитражга тегишли бўлмаган масалалар бўйича қарори мавжуд бўлган қисмигина бекор қилиниши мумкин; ёки

арбитраж судининг таркиби ёки арбитраж тартиб-таомили тарафларнинг келишувига мувофиқ эмаслиги далилини, агар фақат бундай келишув ушбу Қонуннинг тарафлар чекиниши мумкин бўлмаган ҳар қандай қоғазига зид бўлмаса ёки бундай келишув мавжуд бўлмаса, ушбу Қонунга мувофиқ эмаслиги далилини; ёки

2) агар суд:

низо предмети Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра арбитраж муҳокамасига тегишли эмаслигини; ёки

арбитражнинг ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид эканлигини аниқласа.

Бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу аризани берган тараф арбитражнинг ҳал қилув қарорини олган санадан эътиборан, илтимоснома ушбу Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ берилган тақдирда эса арбитраж суди ушбу илтимоснома бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилган санадан эътиборан уч ой ўтгандан сўнг берилиши мумкин эмас.

Бекор қилиш тўғрисида ариза тушган тақдирда, арбитраж судига арбитраж муҳокамасини тиклаш ёки арбитраж судининг фикрича, арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асосларини бартараф этадиган бошқа ҳаракатларни бажариш имконини бериш учун суд ўзи белгилаган муддатни бекор қилиш тўғрисидаги масала бўйича иш юритишни тегишли ҳолда ва тарафлардан бирининг илтимосномасига кўра тўхтатиб туриши мумкин.

Бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда суд ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

**51-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш**

Арбитражнинг ҳал қилув қарори, у қайси мамлакатда қабул қилинганидан қатъи назар, мажбурий деб тан олинади ва судга ёзма ариза берилган тақдирда, ушбу модданинг, мазкур Қонуннинг 52-моддаси ҳамда арбитражларнинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги қоидалари ҳисобга олинган ҳолда ижро этилади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорига асосланаётган ёки уни ижрога қаратиш тўғрисида илтимос қилаётган тараф арбитраж ҳал қилув қарорининг тегишли тарзда тасдиқланган асл нусхасини ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхасини тақдим этиши керак.

Агар арбитражнинг ҳал қилув қарори ёки келишуви Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёзилмаган бўлса, суднинг талабига кўра тараф бу ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимасини тақдим этиши керак.

**52-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ёки ижрога қаратишни рад қилиш учун асослар**

Арбитражнинг ҳал қилув қарори қайси мамлакатда қабул қилинганидан қатъи назар, уни тан олиш ёки ижрога қаратиш фақат қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

1) ҳал қилув қарори ўзига қарши қўлланилаётган тарафнинг илтимоси бўйича, агар ушбу тараф тан олиш ёки ижрога қаратиш сўралаётган судга қуйидаги ҳолларни исботловчи далилларни тақдим этса:

ушбу Қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган арбитраж келишувининг тарафларидан бири қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз бўлганлигини; ёки ушбу келишувнинг тарафлар уни қайси қонунчиликка бўйсундирган бўлса, ўша қонунчилик бўйича, бундай қонунчилик мавжуд бўлмаганда эса ҳал қилув қарори қабул қилинган мамлакатнинг қонунчилиги бўйича ҳақиқий эмаслиги далилини; ёки

ҳал қилув қарори ўзига қарши қабул қилинган тараф арбитраж тайинланганлиги ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ёхуд бошқа сабабларга кўра ўз важларини бера олмаганлиги далилини; ёки

арбитражнинг ҳал қилув қарори арбитраж келишувида ҳал қилиниши назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича қабул қилинганлиги далилини ёхуд унда арбитраж келишуви доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича қарор мавжудлиги далилини. Бунда агар арбитражда кўрилиши лозим бўлган масалалар бўйича қарорни арбитражга тегишли бўлмаган масалалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда арбитраж ҳал қилув қарорининг арбитраж кўриб чиқиши лозим бўлган

масалаларга доир қарори мавжуд бўлган қисмини тан олиш ва ижрога қаратиш мумкин; ёки

арбитраж судининг таркиби ёки арбитраж тартиб-таомили тарафларнинг келишувига мувофиқ эмаслиги далилини ёки бундай битим мавжуд бўлмаганда, арбитраж муҳокамаси бўлиб ўтган мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ эмаслиги далилини; ёки

арбитражнинг ҳал қилув қарори ҳали тарафлар учун мажбурий бўлмаганлиги далилини ёки қарор қайси мамлакатда чиқарилган бўлса ёки қайси мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ қарор қабул қилинган бўлса, ўша мамлакат суди томонидан бекор қилинганлиги ёки ижроси тўхтатиб турилганлиги далилини; ёки

2) агар суд:

низо предмети Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра арбитраж муҳокамасига тегишли эмаслигини; ёки

арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид эканлигини аниқласа.

Агар ушбу модда биринчи қисми 1-бандининг олтинчи хатбошисида кўрсатилган судга арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза берилган бўлса, қарорни тан олиш ёки ижрога қаратиш сўралаётган суд, агар бунди лозим деб ҳисобласа, ўз қарорини чиқаришни кечиктириши ва арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ёхуд ижрога қаратишни ариза бераётган тарафнинг илтимосномаси бўйича бошқа тарафнинг зиммасига тегишли таъминотни тақдим этиш мажбуриятини юклатиши мумкин.

## **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

### **53-модда. Арбитражнинг махфийлиги**

Агар тарафлар бошқача келишиб олмаган бўлса, арбитраж муҳокамаси ва арбитраж муҳокамаси учун тайёрланган ҳамда ушбу муҳокама жараёнида тайёрланган барча ҳужжатлар махфий хусусиятга эга бўлади, бундан ушбу ахборотни ошкор этиш:

1) қонунчиликка мувофиқ тарафнинг мажбурияти бўлган;

2) учинчи шахсларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишга ёки уни амалга оширишга қаратилган;

3) арбитражнинг ҳал қилув қарорини ижро этиш ёки ушбу қарор юзасидан судда низолашиш учун зарур бўлган ҳоллар мустасно.

### **54-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**55-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**56-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга кириши ва арбитраж битимига мувофиқ у қачон тузилганидан қатъи назар ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бошланган халқаро тижорат арбитражига нисбатан қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 февраль,  
ЎРҚ-674-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****67 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 4 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-мод-

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 февралда эълон қилинган.

да; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар) куйидаги мазмундаги **57<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«57<sup>2</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш**

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-мод-

далар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш» деган сўзлар «прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; дастлабки эшитув ўтказиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **39<sup>2</sup>-модда:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гумон қилинувчидан, айбланувчидан ёки судланувчидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан аризалар, тушунтиришлар ёки кўрсатувлар олиш мазкур жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат химоячи иштирокида амалга оширилади, бундан белгиланган тартибда химоячидан воз кечилган ҳоллар мустасно»;

**олтинчи ва еттинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **46-модданинг биринчи қисмидаги** «ярашув тўғрисидаги» деган сўзлар «суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда иштирок этиш, ярашув тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **48-модданинг биринчи қисмидаги** «у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб химоячига эга бўлиш» деган сўзлар «у амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб химоячига эга бўлиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **51-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8<sup>1</sup> — 8<sup>4</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«8<sup>1</sup>) суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда;

8<sup>2</sup>) ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича;

8<sup>3</sup>) шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда;

8<sup>4</sup>) айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича»;

6) **52-модданинг иккинчи қисми** «8» рақамидан кейин «8<sup>3</sup>, 8<sup>4</sup>» рақамлари билан тўлдирилсин;

7) **53-модданинг биринчи қисмидаги** «суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш» деган сўзлар «суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиляётганда ва суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **55-модданинг биринчи қисмидаги** «қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш» деган сўзлар «қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида ариза бериш ҳамда суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиляётганда ва ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш»;

9) **57-модданинг биринчи қисмидаги** «биринчи инстанция» деган сўзлар «суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиляётганда ҳамда биринчи инстанция» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «биринчи инстанция» деган сўзлар «суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиляётганда ҳамда биринчи инстанция» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **81-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин»;

12) **88-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4 — 8-бандлар** билан тўлдирилсин:

«4) шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш;

5) шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, бундан экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этилядиган ҳоллар мустасно;

6) шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;

7) ушланган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд

бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш;

8) мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доира-сида процесс иштирокчиларини суриштирув ва дастлабки тергов органла-ри ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва (ёки) сўроқ қилиш, бундан улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юри-тувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд бўлган ҳоллар мустасно»;

13) қуйидаги мазмундаги **12<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

### **«12<sup>1</sup>-боб. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш**

#### **12<sup>1</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш**

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш гувоҳ ва жабрланувчи-ни (фуқаровий даъвогарни) ишни судга қадар юритиш босқичида прокурор-нинг илтимосига биноан сўроқ қилишдан иборат бўлиб, у ушбу Кодекда назарда тутилган суд муҳокамаси қоидаларига кўра суд томонидан амалга оширилади.

#### **12<sup>2</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асослар**

Гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабаблар-га кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва да-вомли касаллик мавжудлиги) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокама-си чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари ол-диндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарур бўлганда суриш-тирувчи, терговчи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғриси-да илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни зарур материал-лар билан бирга прокурорга юборади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гувоҳ ва ҳимоячи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида прокурорга мурожаат қилади.

Прокурор кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорнинг ёхуд мурожаатнинг асосли-лигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор-ни ёки мурожаатни суриштирув, дастлабки тергов юритилаётган жой-даги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ёки ҳудудий ҳарбий судга юборади.

Илтимосномага кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарурли-гини тасдиқловчи жиноят иши материалларининг кўчирма нусхалари ило-ва қилинади.

**121<sup>3</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш шартлари**

Суд кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай кўриб чиқади ва илтимосномани қаноатлантириш ҳамда суд мажлисини тайинлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ҳақда тарафларга хабар беради.

Илтимоснома қаноатлантирилган тақдирда, судья кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш бўйича суд мажлисини уч суткадан кечиктирмай ўтказди.

Агар судья кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлашни илтимосномани ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасида асоссиз деб топса, илтимосномани қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан ушбу ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин. Апелляция шикояти, протести ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд йигирма тўрт соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмай кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилишга ва кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан шикоят, протест берилиши мумкин эмас.

Илтимосномани қаноатлантириш рад этилганидан кейин судга такроран мурожаат қилишга фақат кўрсатувларни мустаҳкамлаш тўғрисида илтимоснома бериш учун янги асослар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

**121<sup>4</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тартиби**

Гувоҳнинг, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш судда сўроқ қилиш тартибига риоя этилган ҳолда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва зарурат бўлганда процесснинг бошқа иштирокчилари иштирокида суд мажлисида ушбу Кодекснинг 442-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарурлигини асослайди.

Суд мажлиси аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимда ўтказилиши мумкин.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчининг иштироки гувоҳ ёки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)-нинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки руҳий ҳолатига таъсир қиладиган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига чақирилмайди.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки ҳимоячи узрли сабабларга кўра келмаган ва бу ҳақда судга олдиндан хабар берган бўлса, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга доир ҳаракатларнинг амалга оширилиши кейинга қолдирилиши мумкин.

Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга доир ҳаракатлар амалга оширилганлиги ҳақида ушбу Кодекснинг 426, 427-моддалари талабларига мувофиқ суд мажлисининг баённомаси тузилади.

Тарафлар суд мажлиси баённомасининг кўчирма нусхасини, шунингдек, ўз ҳисобидан аудио- ва видеоёзувларни олишга ҳамда суд мажлисининг баённомаси юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидир.

Судья суд мажлисининг баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларни дарҳол кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Суд мажлисининг баённомаси, аудио- ва видеоёзувлар, баённома юзасидан берилган мулоҳазалар ва уларни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарор жиноят иши материалларига қўшиш учун прокуратурага юборилади.

Баённоманинг ва унга илова қилинган материалларнинг кўчирма нусхалари судда сақланади.

### **121<sup>5</sup>-модда. Кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган шахсни қайта сўроқ қилиш учун асослар**

Кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган гувоҳларни, жабрланувчиларни (фуқаровий даъвогарларни) қайта сўроқ қилишга кейинчалик судга қадар иш юритиш босқичида ёки суд муҳокамаси давомида кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган шахсга берилиши керак бўлган иш учун муҳим аҳамиятга молик янги саволлар туғилганда йўл қўйилади»;

#### **14) 225-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунигача қадар унинг ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади. Бу ҳақда баённома тузилади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

15) **226-модда биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этади»;

**16) 243-модданинг:**

**еттинчи қисмидаги** «агар ишда қатнашаётган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди, химоячи бундан мустасно»;

**17) 247-модданинг бешинчи қисмидаги** «агар ишда қатнашаётган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**18) 345-модданинг:**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят кодексининг 97 — 103<sup>1</sup>, 108, 116, 137, 141 — 149, 175-моддаларида, 177-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 180 — 181<sup>1</sup>-моддаларида, 184-моддаси учинчи қисмида, 184<sup>1</sup>-моддасида, 186-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 192<sup>1</sup> — 192<sup>11</sup>, 197<sup>1</sup>, 205 — 215, 218 — 222, 229<sup>4</sup>, 230 — 230<sup>2</sup>, 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 233 — 236, 241<sup>1</sup> — 242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек, қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади»;

**бешинчи ва олтинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят кодексининг 104-моддасида, 105-моддаси иккинчи қисмида, 106, 107-моддаларида, 110-моддаси иккинчи қисмида, 113-моддаси учинчи — бешинчи қисмларида, 114-моддаси учинчи қисмида, 117-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127<sup>1</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи қисмида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 134, 135-моддаларида, 138-моддаси иккинчи қисмида, 164 — 166-моддаларида, 168-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 169-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 171-моддаси учинчи қисмида, 173-моддаси учинчи қисмида, 176-моддасида, 186<sup>1</sup>-моддасида, 186<sup>2</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 193 — 197, 198 — 204, 216-моддаларида, 216<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 217-моддасида, 225-моддаси учинчи қисмида, 226-моддаси иккинчи қисмида, 228-моддаси иккинчи қисмида, 243, 244, 244<sup>3</sup>-моддаларида, 244<sup>4</sup>-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 245, 247, 248-моддаларида, 248<sup>1</sup>-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 249, 250-моддаларида, 250<sup>1</sup>-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 251 — 255<sup>1</sup>-моддаларида, 255<sup>2</sup>-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 256 — 258-моддаларида, 259-моддаси иккинчи қисмида, 260-моддаси иккинчи ва

учинчи қисмларида, 260<sup>1</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 262-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 263-моддасида, 263<sup>1</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 264-моддасида, 266-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 267-моддасида, 268-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 269-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273-моддаларида, 274-моддаси иккинчи қисмида, 275-моддасида, 276-моддаси иккинчи қисмида, 277-моддаси учинчи қисмида, 278-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 278<sup>7</sup>-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек, вояга етмаганлар содир этган жиноятларга доир барча ишлар бўйича (қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган жиноятлар бундан мустасно) дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади.

Жиноят кодексининг 130-моддаси учинчи қисмида, 167-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 178, 186<sup>3</sup>, 188, 188<sup>1</sup>, 244<sup>1</sup>, 244<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов иш қўзғатган дастлабки тергов органи томонидан амалга оширилади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган ёки суриштирув органи томонидан ушбу қисмда назарда тутилган жиноятлар бўйича иш қўзғатилган тақдирда, иш бўйича терговни амалга оширувчи дастлабки тергов органи прокурор томонидан белгиланади»;

**ўн биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган прокурорлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**19) 381<sup>2</sup>-модда биринчи қисми:**

**1-банди:**

«125» рақамидан кейин «125<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

«213-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 214-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 216<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «216<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида, 216<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-бандидаги** «184<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**20) 382-модданинг учинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи** ва **ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«гувоҳларнинг ва жабрланувчиларнинг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан айбга иқдорлик тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда келишув тузади»;

**ўнинчи** — **ўн еттинчи хатбошилари** тегишинча **ўн иккинчи** — **ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

21) **49-бобнинг номидаги «ТАЙИНЛАШ»** деган сўз «**ТАЙЁРЛАШ»** деган сўз билан алмаштирилсин;

22) **395** ва **396-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«395-модда. Келиб тушган жиноят иши бўйича судьянинг ҳаракатлари**

Судья жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- 1) ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида;
- 2) ишни судда кўриш учун тайинлаш ҳақида;
- 3) дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган масалаларга доир ажрим судья томонидан иш судга келиб тушган пайтдан эътиборан етти суткадан кечиктирмай қабул қилинади. Бу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин.

**396-модда. Судга келиб тушган жиноят иши бўйича аниқла-ниши лозим бўлган ҳолатлар**

Судья ушбу Кодекс 395-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган масалаларни ҳал этишда жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчига нисбатан қўйидаги ҳолатларни аниқлаши керак:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
- 2) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими;
- 3) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;
- 4) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
- 5) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми;
- 6) айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганми;
- 7) дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар борми»;

**23) 397-модда:**

**номидаги «қарор»** деган сўз **«ажрим»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги «қарорда»** деган сўз **«ажримда»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**6 ва 7-бандлари** қўйидаги мазмундаги **6, 7 ва 8-бандлар** билан алмаштирилсин:

- «6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг ва ҳимоячининг иштироки;
- 7) ишнинг очиқ ёки ёпиқ суд мажлисида кўрилиши;
- 8) суд муҳокамасининг жойи ва вақти кўрсатилиши лозим»;
- 24) **398-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судья суриштирув ёки дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқлагач, ўз ажрими билан суриштирувчининг ёки терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди»;

25) **399, 400** ва **401-моддалар** чиқариб ташлансин;

26) **403-модданинг матни** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги суд ажримида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради, шунингдек, суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чораларни кўради»;

27) **404-модда** чиқариб ташлансин;

28) **405-модданинг биринчи қисмидаги** «қарори» деган сўз «ажрим» деган сўз билан алмаштирилсин;

29) қўйидаги мазмундаги **49<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

#### **«49<sup>1</sup>-боб. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув**

#### **405<sup>2</sup>-модда. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш**

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ушбу бобда назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда, суд муҳокамасининг умумий қоидалари бўйича ўтказилади.

#### **405<sup>3</sup>-модда. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш учун асослар**

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказилади.

Дастлабки эшитув қўйидагилар учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади:

1) жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш;

2) жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш;

3) жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш;

4) ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш;

5) номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш.

#### **405<sup>4</sup>-модда. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги ажрим**

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги ажримда қўйидагилар кўрсатилади:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) судьянинг лавозими ва фамилияси;

3) айбланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва Жиноят кодексининг унга нисбатан айблов қўйилаётган моддаси;

- 4) илтимоснома киритган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва процессуал мақоми;
- 5) дастлабки эшитувни ўтказиш учун асослар;
- 6) дастлабки эшитув иштирокчилари;
- 7) дастлабки эшитув ўтказиладиган жой ва вақт.

**405<sup>5</sup>-модда. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш муддатлари**

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув судья томонидан жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши керак.

Дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги керак.

**405<sup>6</sup>-модда. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш тартиби**

Дастлабки эшитув судья томонидан ёпиқ суд мажлисида яқка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилади.

Тарафларни суд мажлисига чақириш тўғрисидаги билдириш дастлабки эшитув ўтказиладиган кунга қадар камида уч сутка олдин юборилган бўлиши керак.

Суд мажлисида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва давлат айбловчиси иштирок этиши шарт.

Дастлабки эшитув айбланувчи йўқлигида унинг илтимосига кўра ёки башарти суд муҳокамасини ушбу Кодекс 410-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиш учун асослар мавжуд бўлса, тарафлардан бирининг илтимосига кўра ўтказилиши мумкин.

Ўз вақтида хабардор қилинган жабрланувчининг ва унинг вакилининг, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ҳамда улар вакилларининг суд мажлисига келмаганлиги дастлабки эшитувни ўтказиш учун монелик қилмайди.

Раислик қилувчи дастлабки эшитув бўйича суд мажлисини белгиланган вақтда очади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, кимлар давлат айбловчиси, ҳимоячи, суд мажлисининг котиби эканлигини эълон қилади.

Раислик қилувчи айбланувчининг шахсини аниқлайди. Кейин раислик қилувчи, агар жиноят иши бўйича иш юритишда иштирок этаётган бўлса, айбланувчининг қонуний вакилининг, жабрланувчининг, унинг вакилининг шахсини аниқлайди.

Раислик қилувчи суд мажлиси иштирокчиларига уларнинг судьяни, давлат айбловчисини, суд мажлиси котибини ва суд мажлисининг бошқа иштирокчиларини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиради. Билдирилган рад қилишларни суд ушбу Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал қилади.

Раислик қилувчи айбланувчидан, шунингдек, суд мажлисига чақирилган шахслардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди.

Дастлабки эшитувни ўтказиш раислик қилувчининг маърузаси билан бошланади, маърузадан кейин у суд мажлисида ҳозир бўлганларни эшитади. Сўнгра жиноят ишига доир материаллар текширилади.

Агар бир тараф номақбул далилни чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома берган бўлса, судья бошқа тарафдан унда мазкур илтимосномага қарши эътирози бор-йўқлигини суриштиради. Эътирозлар мавжуд бўлмаган ва далилларни номақбул деб эътироф этиш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда судья илтимосномани қаноатлантиради.

Тарафларнинг қўшимча далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномалари, агар ушбу далиллар иш учун аҳамиятли бўлса, қаноатлантирилиши керак. Шундан сўнг давлат айбловчисининг ва ҳимоячининг дастлабки эшитувда ҳал этилаётган масалалар юзасидан фикри эшитилади. Давлат айбловчисининг ва ҳимоячининг фикрини эшитгач, раислик қилувчи ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради, ушбу ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши керак.

Дастлабки эшитув натижалари бўйича судья ушбу Кодекснинг 405<sup>14</sup>-моддасида назарда тутилган ажримлардан бирини чиқаради.

Дастлабки эшитув жараёнида суд мажлиси котиби ушбу Кодекснинг 426-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича баённома юритади.

#### **405<sup>7</sup>-модда. Жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш**

Агар жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги аниқланса, судья ушбу айбланувчига нисбатан иш юритишни тўхтатиб туриш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, бундан ушбу Кодекснинг 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бир вақтнинг ўзида айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза ҳулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья ишни юритишни айбланувчи соғайгунига қадар тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят иши бўйича иш юритиш унинг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин қайта тикланади.

Жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида судья ажрим чиқаради.

#### **405<sup>8</sup>-модда. Тўхтатиб турилган жиноят ишини прокурорга ўтказиш**

Ушбу Кодекс 405<sup>7</sup>-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юритилиши тўхтатиб турилган жиноят иши айблов далолатномасини ёки айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун ўтказилади.

**405<sup>9</sup>-модда. Жиноят ишини тўхтатиб туриш муддатлари**

Жиноят иши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:  
ушбу Кодекс 405<sup>7</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тақдирда — айбланувчи топилгунига қадар;  
ушбу Кодекс 405<sup>7</sup>-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тақдирда — айбланувчи соғайгунига қадар.

**405<sup>10</sup>-модда. Жиноят ишини тугатиш**

Ушбу Кодекснинг 83-моддасида, 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади.

Суд ажримида:

жиноят ишини тугатиш асослари кўрсатилади;  
эҳтиёт чораларини, шунингдек фуқаровий даъвои таъминлаш чораларини бекор қилиш ҳақидаги масалалар ҳал этилади;  
ашёвий далиллар тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Суд ушбу Кодекс 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақлидир.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш сутка ичида прокурорга юборилади, ўзига нисбатан иш тугатилган шахсга ва жабрланувчига топширилади.

**405<sup>11</sup>-модда. Номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома**

Айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

Илтимоснома жиноят иши судга айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан бирга юборилганидан кейин, айблов далолатномасининг ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши мумкин.

Илтимосноманинг кўчирма нусхаси айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга, шунингдек жабрланувчига илтимоснома судга тақдим этилган кунда юборилади.

Илтимосномада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) тараф чиқариб ташланишини илтимос қилаётган далил;
- 2) далилни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган асослар.

Далиллар қонунга ҳилоф усуллар билан ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилган ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаган ёхуд ушбу Кодекс талабларини бузган ҳолда олинганлигига асосланган ҳолда уларни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳимоя тарафи томонидан берилган илтимосномани кўриб чиқиш чоғида ҳимоя тарафи тақдим этган важларни рад этиш прокурорнинг зиммасида бўлади. Қолган ҳолларда бунини исботлаш вазифаси илтимоснома берган тарафнинг зиммасида бўлади.

Агар суд далилни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур далил юридик кучини йўқотади ва у ҳукмга ёки бошқа суд қарорига асос бўлиши, шунингдек суд муҳокамаси жараёнида бу далилни текшириш ва ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши мумкин.

**405<sup>12</sup>-модда. Жиноят ишини айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш учун асослар**

Судья жиноят ишининг суд томонидан кўриб чиқилишига доир тўсқинликларни бартараф этиш учун уни тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда прокурорга юборади, агар:

1) айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ушбу Кодекснинг талаблари бузилган ҳолда тузилган бўлса ва бу мазкур айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси асосида суд томонидан ҳукм ёки бошқа қарор чиқариш имкониятини истисно этса;

2) тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан бирга судга юборилган жиноят иши бўйича айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тузиш зарурати бўлса;

3) жиноят ишларини бирлаштириш учун ушбу Кодекснинг 332-модда-сида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса;

4) айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишиш чоғида унга ушбу Кодекснинг 375 ва 381<sup>13</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилмаган бўлса;

5) айблов далолатномасида ёки айблов хулосасида, жиноят ишини тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарорда баён этилган ҳақиқий ҳолатлар айбланувчининг, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавфли қилмиш сифатида малакалаш учун асослар мавжудлигидан далолат берса ёки бундай ҳолатлар мавжудлиги дастлабки эшитув жараёнида аниқланган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган асосларга кўра жиноят ишини прокурорга юборишда суд айбланувчининг, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тавсифлаш учун асос бўлган ҳолатларни кўрсатиши шарт. Бунда суд жиноятни ёки ижтимоий хавфли қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг қайси моддаси билан тавсифлаш лозимлигини кўрсатишга, шунингдек далилларни баҳолаш тўғрисида, айбланувчининг айбдорлиги ҳақида хулоса қилишга ҳақли эмас.

Судья жиноят ишини прокурорга юборишда айбланувчига нисбатан

эҳтиёт чораси тўғрисидаги масалани ҳал этади. Зарур бўлган тақдирда судья айбланувчини қамокда сақлаш муддатини тергов ишларини юритиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш учун ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган муддатларни инобатга олган ҳолда узайтиради.

#### **405<sup>13</sup>-модда. Жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш**

Дастлабки эшитув вақтида ушбу Кодекснинг 392-моддасида назарда тутилган, жиноят иши келиб тушганидан кейин юзага келган асослар аниқланган тақдирда, судья ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

#### **405<sup>14</sup>-модда. Суд ажрими**

Судья дастлабки эшитувни ўтказиш натижалари бўйича қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- 1) жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- 2) жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида;
- 3) жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш тўғрисида;
- 4) ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш ёки ажратиш ҳақида;
- 5) далилни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш тўғрисида ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақида.

Ажрим чиқарилган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмай уни чиқарган суд томонидан ижро этилади.

#### **405<sup>15</sup>-модда. Суд ажрими устидан шикоят бериш ва протест келтириш**

Судьянинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида хусусий шикоят, хусусий протест берилиши мумкин.

Хусусий шикоят, хусусий протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, суд уни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига йигирма тўрт соат ичида юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди мазкур материалларни келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмай хусусий шикоят, хусусий протест билан бирга кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди хусусий шикоят, хусусий протестни кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни, протестни эса — қаноатлантирмай қолдиришга;

судьянинг ажримини ўзгартиришга;

судьянинг ажримини бекор қилишга ва ишни моҳиятан кўриб чиқиш учун судга юборишга ҳақли.

Жиноят иши ажримни чиқарган судга апелляция инстанцияси судининг ажрими чиқарилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай қайтарилиши керак.

Биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилинган ҳолларда иш биринчи инстанция суди томонидан ишни суд муҳокамасига тайинлаш босқичидан бошлаб умумий қондаларга асосан кўриб чиқилади»;

30) қуйидаги мазмундаги **62<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

### **«62<sup>1</sup>-боб. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув**

#### **586<sup>1</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ва уни тузиш шартлари**

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юриштиришга нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса;

2) илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса.

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги ҳолларда тузилиши мумкин эмас, агар:

1) ушбу Кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса;

2) шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ушбу моддада белгиланган талабларга тўғри келмаса.

#### **586<sup>2</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома ва уни бериш тартиби**

Гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин.

Келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва, агар ишда қатнашаётган бўлса, қонуний вакили томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ва дастлабки терговда қўйилган гумонни ёки айбловни тан олиши, далилларни инкор қилмаслиги, жиноятни тергов қилишга қўмаклашиши, жиноят натижасида олинган мол-мулкнинг топилиши учун қайси ҳаракатларни амалга ошириш шартлигини, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятларини ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилганлигини кўрсатади.

Келишув тузиш ҳақидаги илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан бажариладиган ва жиноятни фош этиш учун қўмаклашадиган муайян ҳаракатлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

**586<sup>3</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосноманинг прокурор томонидан кўриб чиқилиши**

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома жиноят ишини юритаётган суриштирувчига, терговчига тақдим этилади.

Суриштирувчи, терговчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани олган пайдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида жиноят иши материалларини келишув тузиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга юборади.

Прокурор келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани у келиб тушган пайдан эътиборан етмиш икки соат ичида суриштирувчи ёки терговчи ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади ва ушбу Кодекснинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талабларга риоя этилганлигини текширади. Зарур ҳолларда, прокурор жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилади.

Прокурор келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқаётганда:

1) жиноят иши материалларини ва тақдим қилинган ёки талаб қилиб олинган қўшимча материалларни ўрганайди, келишув тузишнинг асосларини текширади, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишув предмети бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятларини баҳолайди;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг барча шартлари билан танишган-танишмаганлигини, илтимосномани ихтиёрий равишда ва ўз хоҳиши билан, шунингдек ҳимоячи билан муҳокама қилганидан кейин берган-бермаганлигини, унга нисбатан бирон-бир тазйиқ ёки мажбурлов ўтказилган-ўтказилмаганлигини, тузилаётган келишувнинг моҳиятини тушунган-тушунмаганлигини аниқлайди.

Шундан кейин прокурор, агар келишувга асосан ҳукм чиқарилиб, жазо тайинланганидан кейин гумон қилинувчининг, айбланувчининг била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлиги ёки терговдан бирон-бир муҳим ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни қасддан яширганлиги, келишувда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларни бажармаганлиги аниқланса, ҳукм қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома берган гумон қилинувчига, айбланувчига тушунтиради.

**586<sup>4</sup>-модда. Прокурорнинг айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарори**

Прокурор айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани каноатлантириш ҳақида;

2) айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани рад қилиш тўғрисида.

Прокурор томонидан айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосноманинг рад қилиниши гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячисини ушбу масала юзасидан такроран илтимоснома бериш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

**586<sup>5</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг мазмуни**

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

келишув тузилган сана ва жой;

келишув тузаётган прокурор тўғрисидаги маълумотлар;

келишув тузаётган гумон қилинувчининг, айбланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, бошқа маълумотлари, ҳимоячи ҳақидаги маълумотлар;

жиноят содир этилган жой ва вақтнинг, шунингдек исботланиши лозим бўлган бошқа ҳолатларнинг тавсифи;

Жиноят кодексининг мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутовчи моддаси, қисми, банди;

гумон қилинувчига, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш тартиби;

содир этилган жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тақдим этиш, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи келишув имзоланганидан кейин бажаришни ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар;

етказилган зарарнинг миқдори ва унинг ўрни қопланиши;

ушбу Кодекс 586<sup>3</sup>-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган шартларни бажармаганлик оқибатлари.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида бир неча шахс жалб этилган бўлса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчи билан алоҳида-алоҳида тузилади.

Келишув прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси томонидан имзоланади. Келишув имзолангунига қадар гумон қилинувчи, айбланувчи келишув тузиш масаласини ва унинг оқибатларини ҳимоячи билан холи қолиб ва махфий ҳолда муҳокама қилиш ҳуқуқига эга.

**586<sup>6</sup>-модда. Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилганидан кейинги ҳаракатлари**

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин иш бўйича тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш зарурати мавжуд бўлмаган тақдирда прокурор айблов ҳулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни зудлик билан судга юборади.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш зарурати мавжуд бўлган тақдирда, прокурор ишни суриштирув ёки тергов органига юборади.

Суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбини тасдиқлаш учун етарли ҳажмда далилларни тўплайди.

Агар ишни судга қадар юритиш жараёнида жиноятнинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлари аниқланса, келишув ўз қучини йўқотади.

Бунда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузишни истисно этадиган ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят иши бўйича иш юритиш умумий тартибда олиб борилади.

Агар аниқланган ҳолатлар айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузишни истисно этмаса, келишув ушбу Кодекснинг 586<sup>2</sup> — 586<sup>4</sup>-моддаларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда қайта кўриб чиқиши мумкин.

Гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг айбини тасдиқлаш учун далиллар тўпланганидан кейин суриштирувчи, терговчи ишни прокурорга тақдим этади. Прокурор жиноят иши материалларини беш сутка ичида кўриб чиқиб, айблов ҳулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув билан бирга судга юборади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлса ва уларнинг барчаси билан ҳам айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилмаган бўлса, ўзи билан келишув тузилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда келишувда кўрсатилади.

**586<sup>7</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни суд томонидан кўриб чиқиш тартиби**

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга доир ишлар ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда умумий тартибда, жиноят иши келишув билан бирга судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), агар ишда иштирок этаётган бўлса, қонуний вакил, ҳимоячи, прокурор иштирок этади.

Суд мажлиси ўтказиладиган жой ва сана ҳақида лозим даражада хабардор қилинган жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг вакилининг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишлар бўйича суд муҳокамасида прокурор келишувнинг мазмунини ўқиб эшиттиради, судланувчининг суриштирув ҳамда дастлабки терговга кўмаклашганлигини тасдиқлайди ва бу айнан нимада ифодаланганлигини тушунтиради.

Суд айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишларни кўриб чиқиш чоғида:

келишувни тузишда гумон қилинувчининг, айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланган-таъминланмаганлигини ва ушбу Кодекснинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилган-бажарилмаганлигини;

келишувнинг гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилган-тузилмаганлигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунган-тушунмаганлигини, унинг оқибатларини англаб етган-етмаганлигини;

судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаши ёки қўллаб-қувватланмаслигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини аниқлайди.

Суд судланувчи ва унинг ҳимоячисининг, прокурорнинг, шунингдек зарур ҳолларда, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) фикрини эшитади, шундан сўнг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90 — 92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга кўра баённома юритилади.

### **586<sup>8</sup>-модда. Суднинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича қарори**

Суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

1) келишувни тасдиқлаш тўғрисида;

2) келишувни тасдиқлашни рад этиш ва ишни прокурорга юбориш ҳақида.

Келишув тасдиқланган ҳолларда, суд айблов ҳукми чиқаради.

### **586<sup>9</sup>-модда. Суднинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни рад этиши ва жиноят ишини прокурорга юбориши**

Суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиб, агар:

1) келишувни тасдиқлаш учун асослар мавжуд бўлмаса ёки келишувни тузишда процессуал қонунчилик талаблари бузилган бўлса;

2) суд келишувда назарда тутилган судланувчига қўйилган айбловда жиноятнинг малакаланишга тааллуқли шартларга рози бўлмаса;

3) судланувчининг айбдорлиги борасида судда асосли шубҳа туғилган бўлса;

4) тарафлар тузилган келишувдан воз кечса, келишувни тасдиқлашни рад

этиш ҳақида ажрим чиқаради ва жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тергов қилиш ёки келишувни қайта кўриб чиқиш учун прокурорга юборади.

Суднинг ажримига судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

**586<sup>10</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича суд ҳукмини чиқариш**

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича айблов ҳукми ушбу Кодекснинг 54-боби талабларига мувофиқ чиқарилади.

Айблов ҳукмининг тавсиф қисмида келишув тузиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 586<sup>7</sup>-моддасида санаб ўтилган саволларга жавоблар шакллантирилади.

Айблов ҳукмининг қарор қисмида келишувни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ва судланувчига ушбу ҳукм юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳам баён этилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 18 февраль,  
ЎРҚ–675-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **68** 2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, янги боғ ва узумзорларни ташкил этиш, пиллачилик ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ва ветеринария хизматини янада ривожлантириш, шунингдек, электр энергияси таъминотини яхшилаш, тиббий ва алоқа хизматлари сифатини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур):

2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида қайта фойдаланишга киритиладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш ва ерларнинг сув таъминотини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага\*\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида мевали боғ, узумзор ва тутзорлар майдонларини кенгайтириш, чорва моллари бош сонини кўпайтиришнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага\*\* мувофиқ;

2021-2022 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида ижтимоий, энергетика ва телекоммуникация объектларини қуриш,

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 февралда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича манзилли дастур 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2024 йил 1 январга қадар:

янги ташкил қилинадиган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан кластер ташкилотлари ер солиғи, мол-мулк солиғи, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғининг;

жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинсин.

3. Белгилансинки, Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун — асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация берилди.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Дастурга киритилган марказлаштирилган манбалар ҳисобига жорий йилда молиялаштириладиган лойиҳаларни:

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини 2021 йил учун мўлжалланган параметрлари доирасида кўзда тутсин;

келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида инobatга олсин.

5. Қурилиш вазирлиги:

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши, Узун тумани ҳокимлиги билан биргаликда Боботоғ ҳудудининг шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган участкаларида мазкур ҳудудни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш бўйича янги қуриладиган объектларни жойлаштиришни таъминласин;

буюртмачи ва лойиҳачи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказсин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича назорат ўрнатсин.

6. Сурхондарё вилояти ва Узун тумани ҳокимликлари бир ой муддатда салоҳиятли тадбиркорларга Боботоғ ҳудудида қайта фойдаланишга киритиладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини бириктириб берсин ҳамда сабзавот-полизчилик, мевали боғ ва узумчилик, чорвачилик йўналишидаги кластерлар фаолиятини йўлга қўйсин.

---

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Узун туман тиббиёт бирлашмасининг мавжуд штат бирликлари доирасида Боботоғ ҳудудий бўлимида туну-кун хизмат кўрсатувчи навбатчи ҳамширалик гуруҳини ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси 2021 йил 1 апрелга қадар Боботоғ ҳудудида контейнер типдаги зооветеринария шохобчасини ташкил этсин ва унга «Дамас» русумли хизмат автомобили ажратилишини таъминласин.

9. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Хамзаев) 2021-2022 йилларда Сурхондарё вилояти Боботоғ давлат ўрмон хўжалигининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида 1400 гектар майдонда писта плантацияларини барпо этишга масъул этиб белгилансин.

10. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида норуда фойдали қазилмалар истиқболли майдонлари рўйхатини шакллантирсин ва геологик жиҳатдан ўрганиш учун белгиланган тартибда ташаббускорларга таклиф этсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб келгуси уч ўқув йили давомида Узун тумани Боботоғ ҳудудидаги ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, юқори малакали педагог ва тиббиёт ходимларини тайёрлаш, таълим ва тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида давлат грантлари бўйича квоталарни ошириш лимитлари доирасида Сурхондарё вилоятидаги педагогика ва тиббиёт йўналишларидаги олий таълим муассасаларига қўшимча махсус квоталар ажратилишини таъминласин.

Бунда, махсус квота бўйича ўқишга қабул қилинган ёшлар олий маълумотга эга бўлганидан сўнг, ўз ҳудудида камида 5 йил давомида меҳнат қилиши назарда тутилсин.

12. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Денов туманидаги «Нурли келажак», «Жийдабулоқ», «Боботоғ», «Паҳлавон» ва «Дўғоб» маҳаллаларини Узун туманига ўтказиш ҳамда Узун ва Денов туманлари chegarасини ўзгартириш масалалари юзасидан илтимосномаларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Сурхондарё вилояти Узун тумани ҳокимининг Боботоғ ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолининг эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш;

ҳудуднинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, иқтисодий тармоқларини замонавий ресурстежамкор технологиялар билан жиҳозлаш тадбирларини амалга ошириш;

ижтимоий соҳа муассасалари ҳолатини яхшилаш, биноларини таъмир-

лаш, жиҳозларини янгилаш, ҳудудларини ободонлаштириш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик тармоқларини жадал ривожлантириш.

14. Сурхондарё вилояти Узун тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати-нинг намунавий тузилмаси 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги Сурхондарё вилояти ва Узун тумани ҳокимликлари билан биргаликда ўн кун муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти Узун тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг штатлар жадвалини қайта кўриб чиқсин.

Сурхондарё вилояти Узун тумани ҳокимлиги бир ой муддатда Узун тумани ҳокимининг Боботоғ ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифаларини тасдиқласин.

15. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, «Қишлоққурилишинвест» ИК, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги 2021 йил охирига қадар Боботоғ ҳудудида Давлат хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари ҳарбий хизматчилари учун намунавий (кўп қаватли 30 хонадонли турар жой бинолари) лойиҳалар асосида хизмат уйлари қурилишини таъминласин.

16. Сурхондарё вилояти ва Узун тумани ҳокимликлари:

манфаатдор давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини, ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича тадбирлар ижросини ҳамда янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

ҳар чорак якуни бўйича қарорда назарда тутилган прогноз кўрсаткичлар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан лойиҳа ташаббускорлари фаолиятининг натижадорлигини халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси (А.Ж. Раматов):

тегишли давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари томонидан мазкур қарорда назарда тутилган прогноз кўрсаткичлар ва чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин ва мувофиқлаштирсин;

муаммоли масалаларни мунтазам равишда ўргансин ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тезкор ва амалий чора-тадбирлар кўрсин;

заруратга кўра, белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳаларнинг қиймати ва иш ўринлари сонини сақлаб қолиш шарти билан Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

18. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига мазкур қарорда назарда тутилган прогноз кўрсаткичлар ва чора-тадбирлар-

нинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ижро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 17 февраль,  
ПҚ-4995-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**69 Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

а) қуйидаги асосий устувор йўналишларни назарда тутувчи 2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага\*\* мувофиқ:

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгиловчи Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аҳоли манфаатлари йўлида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, маълумотларни қайта ишлашда давлат органларининг самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш;

фойдали технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи сунъий интеллект соҳасида инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш;

сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чикувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш;

сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибадорлигини шакллантириш, шу жумладан товарларнинг (иш ва хизматларнинг) ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг сунъий интеллект соҳасидаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, зарур таълим муҳитини ривожлантириш;

кўшма халқаро тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикамизнинг нуфузли рейтинглар ва индексларда позициясини яхшилаш мақсадида сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

б) қуйидаги устувор тармоқлар ва соҳаларда, шу жумладан Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларини жалб қилган ҳолда Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ:

қишлоқ хўжалиги соҳасида: ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан комбайнлар ишини мониторинг қилиш жараёнида сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзбеккосмос» агентлиги (Ж. Ходжаев, Қ. Юлдашев, Ш. Қодиров);

банк соҳасида: тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Марказий банк, «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖ, АТ «Алоқабанк» (М. Нурмуратов, А. Мирсоатов, К. Ирисбекова);

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молия соҳасида: бюджет харажатлари, пенсия, ижтимоий ва суғурта тўловлари, шунингдек, нафақа тўловларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Молия вазирлиги (Т. Ишметов);

солиқ соҳасида: юридик шахсларнинг солиқ тушумларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидаги тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги (Ш. Кудбиев, Д. Султонов);

транспорт соҳасида: локомотивларни бошқариш жараёнида уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни огоҳлантиришда, жамоат транспорти ҳаракатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, шунингдек, автомобиль ҳаракатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ, Ички ишлар вазирлиги (И. Маҳкамов, Х. Хасилов, А. Жўраев, А. Икромов);

энергетика соҳасида: энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолини прогноз қилишда, технологик ускуналар ишини оптималлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Энергетика вазирлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ (А. Султанов, У. Мустафоев);

соғлиқни сақлаш соҳасида: инсон ўпкасининг компьютер томографияси таҳлили асосида пневмонияни аниқлаш ҳамда маммография таҳлили асосида кўкрак беги саратонига илк босқичда ташхис қўйиш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев, А. Азизов);

фармацевтика соҳасида: бозорнинг дори воситалари ва тиббий буюмларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, «Дори-Дармон» АК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (С. Кариев, У. Салихбаева, А. Азизов);

электрон ҳукумат соҳасида: электрон давлат ва молия хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов).

## 2. Қўйидагиларга:

Инновацион ривожланиш вазирлигига (И. Абдурахмонов) сунъий интеллект соҳасида илмий-техник тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига (Ш. Садиқов) сунъий интеллект асосидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун технологик шароитларни яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан ташкил қилинган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига

(А.Н. Арипов) (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси) Дастурни ҳамда сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш ва қўллаш билан боғлиқ бошқа ташаббусларни комплекс мувофиқлаштириш юзасидан жавобгарлик юклансин.

3. Мувофиқлаштириш комиссияси (А.Н. Арипов) етакчи хорижий мутахассислар ва компанияларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 декабрга қадар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки:

сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан ушбу мақсадлар учун алоҳида очиладиган ҳисоб рақами орқали амалга оширилади;

сунъий интеллект технологияларини қўлловчи илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни мақсадли молиялаштириш Жамғарманинг маблағлари ҳисобидан Мувофиқлаштириш комиссияси ишчи органининг ҳулосасига кўра амалга оширилади;

Инновацион ривожланиш вазирлиги Мувофиқлаштириш комиссиясининг ҳулосасига кўра, давлат илмий дастурлари бўйича илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган Давлат бюджети маблағлари доирасида Жамғармага сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларни ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга маблағларни йўналтириш ҳуқуқига эга.

5. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий маркази негизида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясини ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш;

сунъий интеллект соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш, рақамли технологияларни ривожлантиришнинг илмий экотизимини шакллантириш;

сунъий интеллект технологиялари асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича инновацион маҳсулотларни ҳамда уларнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича етакчи хорижий инновацион ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

6. Белгилансинки:

Институт юридик шахс мақомига эга давлат илмий ташкилоти бўлиб, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Институтнинг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Институт ходимларига Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади;

Давлат бюджетининг мазкур қарор доирасида Институт фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлари 2021 йилда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги учун ажратилган бюджет ажратмалари доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан эса Давлат бюджетининг харажатлар параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат бўлган Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти тузилсин.

Белгилансинки:

департамент ходимлари сони мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ қайта ташкил қилинаётган марказларнинг штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

департамент ишини умумий мувофиқлаштириш, уни малакали кадрлар билан тўлдириш Бош вазир маслаҳатчиси — Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи томонидан амалга оширилади.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, давлат органлари, тижорат банклари ва йирик саноат корхоналарининг Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянсни 3-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил қилиш бўйича таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

Қўшма альянс сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт тармоқ-

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида жорий қилиш бўйича устувор лойиҳаларни жадал ва биргаликда амалга ошириш, уларни ишлаб чиқиш харажатларини оптималлаштириш, ушбу соҳадаги энг яхши тажрибаларни давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида оммалаштириш мақсадида ташкил қилинади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қўшма альянснинг ишчи органи ҳисобланади.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурчилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформасини яратсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Марказий банк идоралараро ишчи гуруҳини ташкил қилсин ва энг яхши хорижий тажрибалар асосида 2021 йил 1 июнга қадар Вазирлар Маҳкамасига экспериментал инновацион тадқиқотлар доирасида сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус ҳуқуқий режимни жорий қилишнинг аниқ механизмлари тўғрисида, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилишни молиялаштиришга қўмаклашиш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилиш натижасида иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган сарф-харажатларни субсидиялаш дастурини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари учун сунъий интеллект ечимларини ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятида жорий қилиш бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларни (R&D) рағбатлантирувчи чоралар кўриш.

11. Мувофиқлаштириш комиссиясининг 2021 йилда сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун очiq шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини яратиладиган платформада 4-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Сунъий интеллект учун давлат маълумотларини шакллантиришга масъул тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ўзига тааллуқли қисмларда маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш, шунингдек, уларнинг тўлиқлиги, долзарблиги ҳамда ишончлилиги юзасидан шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси сунъий интеллект технологиялари асосида қайта ишлаш учун тақдим этиладиган рақамли давлат маълумотлари тўпламларига кириш имкониятини ташкил қилиш ҳамда уларнинг сифати устидан тизимли назоратни таъминласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда сунъий интеллект ва катта ҳажмдаги маълумотлар соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари сифатида қабул қилиш бўйича ишлар жадвалини тасдиқласин.

13. Қўйидагилар:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб грант асосида «Сунъий интеллект» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич бошланадиган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар рўйхати 5-иловага\* мувофиқ;

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини амалий қўллаш бўйича ўқув курслари ва фанларини жорий қилиш кўзда тутилган олий таълим муассасалар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб 5 ва 6-иловларда кўрсатилган ҳар бир олий таълим муассасасига камида бир нафар етакчи хорижий эксперт ва олимни сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида ўқитишда иштирок этиш учун жалб қилсин.

Белгилансинки, хорижий экспертлар ва олимларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

14. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб сунъий интеллект соҳасида стажёр-тадқиқотчилар ҳамда таянч докторантурада таҳсил олиш учун ҳар йили 5 кишилик квотани мақсадли ажратишни кўзда тутсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект» докторантура ихтисослигини ташкил қилишни кўзда тутсин.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, АТ «Алоқабанк», «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ томонидан «Сбер» гуруҳи (Россия) билан биргаликда сунъий интеллект технологияларини татбиқ қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

---

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков, О. Пекось), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов, А. Назаров), АТ «Алоқабанк» (К. Ирисбекова), «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ (А. Мирсоатов) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, «Сбер» гуруҳи (Россия) билан хорижий илғор тажриба ҳамда энг яхши тажрибалар асосида сунъий интеллект технологиялари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалалари бўйича ҳамкорликни фаоллаштириш чораларини кўрсин, шу жумладан:

бир ой муддатда пилот лойиҳаларини тезкорлик билан ва самарали амалга ошириш, маҳаллий мутахассисларни ўқитишни ташкил қилиш, шунингдек, мазкур қарорда белгилаб берилган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича биргаликда «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

сунъий интеллектни ривожлантириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида, шунингдек, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани тайёрлашда маслаҳатчи сифатида қатнашиш учун «Сбер» гуруҳининг (Россия) етакчи мутахассислари ва экспертлари жалб қилинишини таъминласин.

17. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил қилсин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиковлар зиммасига мазкур қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин.

Мазкур қарорнинг 2, 3 ва 4-иловаларида кўрсатилган вазирлик, идора ва ташкилотлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда йигирма кун муддатда юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича «манзилли йўл хариталари» (чора-тадбирлар дастурлари)ни тасдиқласин.

Мувофиқлаштириш комиссияси (А.Н. Арипов) мазкур қарорнинг бажарилишини ҳар чоракда муҳокама қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишни таъминласин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.А. Гулямов, А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 17 февраль,  
ПҚ-4996-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 17 февралдаги  
ПҚ-4996-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат  
бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини  
амалий қўллаш бўйича ўқув курслари ва фанларини жорий  
қилиш кўзда тутилган олий таълим муассасалар  
РЎЙХАТИ**

1. Андижон давлат тиббиёт институти
2. Жиззах политехника институти
3. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
4. Фарғона политехника институти
5. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
6. Тошкент давлат транспорт университети
7. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
8. Тошкент давлат иқтисодиёт университети
9. Тошкент молия институти
10. Тошкент давлат юридик университети
11. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
12. Тошкент давлат аграр университети
13. Тошкент тиббиёт академияси
14. Бош прокуратура академияси
15. Ички ишлар вазирлиги академияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**70 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқ-  
лаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳа-  
тидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Сўнги йилларда республикада давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни самарали қўриқлашни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани ишончли ҳимоя қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Илғор хорижий тажриба асосида қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимлари жорий қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қўриқлашга олинган объектлари сони сўнги икки йилда 15 фоизга ошди.

Шу билан бирга, қўриқлаш фаолиятига замонавий қўриқлаш технологияларини кенг жорий этиш орқали қўриқлаш хизматининг қамровини янада кенгайтириш, ходимларнинг касбий маҳорати, билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, соҳада бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ тизимли муаммолар сақланиб қолинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг яхлит тизимини шакллантириш, қўриқлаш хизматларини кўрсатиш соҳасида самарали бошқарувни амалга ошириш ҳамда бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматини Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Қўриқлаш бош бошқармаси) этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Қўриқлаш бош бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шартнома асосида давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлаш;

қўриқланаётган объектларда ички, рухсат бериш режимларини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш;

қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 февралда эълон қилинган.

сиёсатни ва улардан фойдаланиш устидан самарали назоратни таъминлаш, шунингдек, қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг миқёсда жорий этиш;

шартнома асосида техник қўриқлаш воситаларини ўрнатиш (созлаш), уларга техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш;

давлат ташкилотлари, шунингдек, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга тегишли қўриқлаш бўлинмаларида инспекторлик назорат текширувларини ўтказиш (хуқуқ-тартибот органлари ва ҳарбийлаштирилган тузилмалардан ташқари), объектларда ички, рухсат бериш режимларига риоя этилишига доир тадбирларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

оммавий тадбирларда жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш, аҳоли гавжум жойларда жамоат тартибини сақлашда хуқуқ-тартибот органларига кўмаклашиш.

3. Белгилансинки, Қўриқлаш бош бошқармаси мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади ҳамда ўз ваколатлари доирасида давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш бўйича вазифалар ва функцияларни кўрсатилаётган қўриқлаш хизматлари учун тушадиган маблағлар ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, харажатларни қоплаш ва мустақил хўжалик юритиш тамойили асосида амалга оширади.

#### 4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаларининг намунавий ташкилий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси ишчи ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим тариф разрядларининг рўйхати 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### 5. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

а) Қўриқлаш бош бошқармасининг шаходатланган таркиби Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ходимлари ҳисобланади, ҳуқуқий мақоми бўйича ички ишлар органлари ходимларига тенглаштирилади;

#### б) 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

Қўриқлаш бош бошқармаси ходимларига ҳар ойда уларнинг лавозим маошига 20 фоиз миқдорда ойлик устама белгиланади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган

---

\* 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

разрядларига кўра Қўриқлаш бош бошқармаси ишчи ва хизматчиларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентлари ўртача икки бараваргача оширилган миқдорда қўлланилади.

6. Белгилансинки, 2021 йил 1 майдан бошлаб:

а) объектларни қўриқлаш тизими «Юқори сифат ва қулай нарх» тамоийли асосида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали босқич-ма-босқич такомиллаштирилади:

шаҳодатланган таркиб томонидан қўриқланадиган объектларни босқич-ма-босқич ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмаларига ўтказиш;

мақбуллаштирилган аралаш қўриқлаш турларини жорий қилиш;

замонавий техник қўриқлаш воситаларини жорий этиш орқали жисмоний қўриқлашни узлуксиз қисқартириб бориш.

Бунда ушбу чора-тадбирлар уч босқичда, қўйидаги объектларга нисбатан амалга оширилади:

2022 йил 1 январга қадар — вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳокимликларнинг маъмурий бинолари, ўқув ва маданий муассасалар, чакана амалиёт кассалари, банк хизматлари марказлари;

2022 йил 1 июлга қадар — ишлаб чиқариш объектлари, бозорлар, савдо марказлари, телерадиоузатув объектлари, сув иншоотлари;

2023 йил 1 январга қадар — банк бинолари ва бошқа объектлар;

б) Қўриқлаш бош бошқармаси куч ва воситаларини бошқариш тизими қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали такомиллаштирилади:

ортиқча харажатларни қисқартириш ҳамда куч ва воситаларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун ҳудудий бўлинмалар сонини мақбуллаштириш;

саф бўлинмаларини туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари сифатида қайта ташкил этиш;

қўриқлаш хизмати кўрсатилаётган объектлар жойлашиши ва шахсий таркиб сонини инобатга олган ҳолда туманлараро қўриқлаш бўлимларини ташкил этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчи ва ходимлари лавозимларини (бундан тор доирадаги мутахассисликка эга бўлган номзодлар мустасно) жамлаш устувор тарзда Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмаларининг тегишли касбий тайёргарликка эга, тайёргарлик машғулотлари ва танлов босқичларидан ўтган ишчи ва хизматчилари орасидан танлаб олиш орқали амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонига:

жисмоний ва юридик шахслар билан қўриқлаш хизмати кўрсатиш борасида тузилган шартномалар асосида Қўриқлаш бош бошқармасининг ташкилий-штат тузилмасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

Миллий гвардия томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматларининг тарифларини (нархларини) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун — мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

а) 2021 йил 1 майга қадар объектлар хавфсизлигини таъминлаш тизими-мига замонавий қўриқлаш воситаларини жорий этиш ва халқаро тажриба-ни инобатга олган ҳолда уни модернизация қилишга қаратилган чора-тад-бирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2021 йил 1 июнга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Қўриқ-лаш бош бошқармаси томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тарифла-рини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик ва қоро-вуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

в) қўриқлаш бўлинмаларини техника, қурол-аслаҳа, махсус воситалар ва бошқа зарур мол-мулкнинг янги намуналари билан таъминлаш чорала-рини кўрсин;

г) Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти, Ихтисослаштирилган ўқув маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Фарғона минтақавий ўқув марказлари базасида Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлашти-рилган соқчилик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини бошланғич тайёр-лаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этсин;

д) Қўриқлаш бош бошқармаси маблағлари ҳисобидан Миллий гвардия-нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Фарғона минтақавий ўқув марказларини реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва моддий таъмин-лашни амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатилаётган қўриқ-лаш хизматлари такомиллаштирилишини инобатга олиб, тегишли вазирлик-лар, идоралар ва бошқа бюджет ташкилотларининг ҳисоб-китобларига асо-сан уларнинг харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритсин.

10. Тасарруфида Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари томонидан қўриқланаётган объектлари бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари қўриқлашнинг янги механизмини жорий этиш босқичларидан келиб чиқ-қан ҳолда:

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва жисмоний қўриқлашни қисқартириш ҳисобига тасарруфидаги объектларнинг қўриқлаш тизимлари қайтадан кўриб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан бирга янгидан тас-диқланган тарифлар асосида қўриқлаш хизмати кўрсатиш борасидаги шарт-номаларнинг қайтадан тузилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ҳудудлардаги крименоген вазиятни эътиборга олган ҳолда, техник қўриқлаш марказларини очиш, уларнинг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳларини ташкил этиш, бино ва иншоотлар билан таъминлаш, аҳоли ва мулкдорлар ўртасида қўриқлаш хизматини тарғиб этишда Қўриқлаш бош бошқармасига ҳар томонлама кўмаклаш-син.

12. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 майга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин;

2021 йил 1 июнга қадар мамлакат ҳудудида интеграллашган техник қўриқлаш воситалари ишлаб чиқилишини (маҳаллийлаштиришни) назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси тайёрлансин ва тақдим этилсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг Қўриқлаш бош бошқармаси хизматларидан фойдаланишга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ахборот-тушунтириш тадбирларини мунтазам равишда амалга ошириб борсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 20 февраль,  
ПҚ-4997-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****71 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 январь,  
28/22-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
11 январдаги 28/22-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига  
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Банк устав капитали миқдори 100,0 млрд сўмдан кам бўлмаслиги керак.».

3. 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Банкнинг кредит рейтинги ўзгариши натижасида дивиденд ставкаларининг ўзгаришига олиб келувчи имтиёзли акциялар мазкур Низомнинг 11 ва 12-бандлардаги шартлар бажарилишидан қатъи назар, I даражали капитал ҳисоб-китобига киритилмайди.».

4. 14-банднинг «а» кичик бандидан «, банкнинг оралиқ молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувудан ўтган бўлса — тасдиқланган молиявий натижаларидан кўп бўлмаган миқдорда, акс ҳолда банк ҳисоботидаги соф фойданинг 50 фоизи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 16-банднинг иккинчи хатбошиси «номоддий активлар» деган сўзлардан кейин «, бундан банкнинг дастурий таъминотлари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 17, 20 — 24<sup>2</sup>-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли бўлган мазкур Низомнинг 1 — 6-иловаларида келтирилган таваккалчилик даражасига кўпайтириш ва таваккалчилик бўйича аниқланган активлар йиғиндиси орқали топилади.».

8. Қўйидаги мазмундаги 18<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«18<sup>1</sup>. 2021 йил 1 мартга қадар ажратилган кредитларни таваккалчиликка тортишда мазкур Низомнинг 6-илоvasида келтирилган таваккалчилик даражалари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

2021 йил 1 мартдан бошлаб ажратилган кредитларни таваккалчиликка тортишда мазкур Низомнинг 3-4-иловаларида келтирилган таваккалчилик даражалари асосида ҳисоб-китоб қилинади.».

9. 34 — 36-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги

активларнинг умумий суммасига нисбати 13 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти  $K1$  куйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = PK / TAUC$$

35. I даражали капиталнинг монандлик коэффиценти  $K2 = I$  даражали капитал/ТАУС сифатида аниқланади.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда  $K2$  коэффиценти 0,10 (10,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий қийинчилик даврларида зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади.

36. I даражали асосий капиталнинг монандлик коэффиценти  $K3 = I$  даражали асосий капитал/ТАУС сифатида аниқланиб, унинг энг кичик даражаси 0,08 (8,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.».

10. 37-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 — 6-иловаларига\* мувофиқ таҳрирда 1 — 6-иловалар билан тўлдирилсин.

---

\* 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**72 «Бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1310-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 20 январдаги 20 ва 72-сон «Бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1310, 2004 йил 9 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 6-сон, 78-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 январь,  
5-сон

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 январь,  
07-2021/к/к-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 февралда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 11 январдаги 28/22-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2021 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-7.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 5, 07-2021/к/к-сон «Бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2021 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1310-1.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1310, 2004 йил 9 февраль).

*2021 йил 15 февралда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

